

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА
РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ
МАРКАЗИ**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
хузуридаги олий таълим тизими педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Тармоқ маркази
директори Г.Ахунова Г.Ахунова
“20 ” октябрь 2015 й.



“ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ТИЗИМИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчилар: проф. Т.С. Маликов, доц. Х.Курбонов, М.Ж.Бауетдинов

Мундарижа

| | |
|---|----|
| ИШЧИ ДАСТУР..... | 3 |
| МАЪРУЗАЛАР МАТНИ..... | 8 |
| 1-мавзу. Замонавий шароитларда молия тизими ва үнинг долзарб муаммолари. | 8 |
| 2-мавзу. Молия генезиси (тараққиёти). | 18 |
| 3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари ... | 26 |
| ТАҚДИМОТ..... | 43 |

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига кўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш хисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаoliятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқувтарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал карорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига кўйиладиган талаблар ўзгарилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

- Тингловчиларга замонавий молия тизими ва унинг трансформаллашув жараёнлари бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;
- Молия тизими ва унинг бўғинлари, молия тизими бўғинлари бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;
- Жаҳон молиявий иктисолий инқирози шароитида ривожланган мамлакатлар молия тизимидағи ислоҳотлар боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

- Ўзбекистон Республикаси молия тизимидағи ислоҳотлар, бюджет солик тизими ва пул-кредит тизими борасидаги ислоҳотларни таҳлил этиш, Президент асарларига таянган ҳолда ўрганишдан иборат.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Замонавий молия тизими” модулини ўзлаштириш жараённида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда кўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур;
- молия ва молия тизими ҳақидаги фундаментал билимларга эга бўлиши зарур;
- молия тизими ҳар қайси бўғинлари фаолиятининг ташкилий, хуқуқий асослари бўйича кўникмаларга эга бўлиши зарур.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг Олий таълимдаги ўрни

Хозирги глобаллашув шароитида молия-банк тизими ва ундағи ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикамиз молия-банк тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

Модуллар бўйича соатлар тақсимоти:

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юклamasи, соат | | | | | |
|----|--|-----------------------------------|-------------------------|---------|-----------------|----------------|---|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юклamasи | | | жумладан | |
| | | | Жами | Назарий | Амалий маинулот | Кўчма маинулот | |
| 1. | Замонавий шароитларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари | 10 | 10 | 4 | 6 | - | - |
| 2. | Молия генезиси (тараққиёти). | 8 | 8 | 4 | 4 | | |
| 3. | Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишининг устувор йўналишлари | 10 | 8 | 4 | 4 | - | 2 |
| | Жами: | 28 | 26 | 12 | 14 | - | 2 |

НАЗАРИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Замонавий шаротларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари (4 соат) .

Режа

1. Молия тизими ва унинг трансформаллашуви.
2. Молия тизимининг бўғинлари.
3. Замонавий шароитларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари.

Молия тизими ва унинг трансформаллашуви. Молиянининг «Классик» ва «Неоклассик» назариялари. Молия тизимининг бўғинлари. Молия тизимининг ташкилий таркиби. Молия тизимининг функционал таркиби. Замонавий шароитларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари.

2-мавзу. Молия генезиси (тараққиёти) (4 соат).

Режа

1. Турли ижтимоий-иктисодий тузумлар шароитида молия тизимининг амал қилиш хусусиятлари
2. Молия- тарихий категория сифатида.
3. Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти

Турли ижтимоий-иктисодий тузумлар шароитида молия тизимининг амал қилиш хусусиятлари. Молия- тарихий категория сифатида. Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти. XVII асрда молия назариясининг ривожланиши. Л. Фон Секендорф, С.Пуфendorf, И.Юсти ва И.Зонненфельс каби немис олимлари XVII-XVIII асрларда молия фанини бойитишга кўшган хиссалар.

3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (4 соат).

Режа

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет-солик тизимининг шаклланиши ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари
2. Ўзбекистон Республикасипул-кредит тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси молия тизимининг шаклланиши. Давлат молиясини ислоҳ қилиш ва унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ва бюджет-солик сиёсатининг устувор йўналишлари. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини шаклланиши. Ўзбекистон Республикасининг солик тизими. Ислоҳотларнинг кейинги босқичларида молия тизимидағи ислоҳотлар. Ўзбекистон Республикасипул-кредит тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари.

АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Замонавий шаротларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари (2-соат) .

Режа

1. Молия тизими ва унинг трансформаллашуви.
2. Молия тизимининг бўғинлари.
3. Замонавий шароитларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари.

2-мавзу. Молия генезиси (тараққиёти) (4 соат).

Режа

1. Турли ижтимоий-иктисодий тузумлар шароитида молия тизимининг амал қилиш хусусиятлари
2. Молия- тарихий категория сифатида.

3. Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти

З-мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.

Режа

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ тизимнинг шаклланиши ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

2. Ўзбекистон Республикасипул-кредит тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мазкур модул бўйича ўқув режада кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Мустақил ишни ташкил этишда тингловчилар томонидан “Замонавий молия тизими” модулида ўрганилаётган масалалар, дискуссиялар бўйича билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни шакллантириш мақсадида улар томонидан кўшимча манбалардан, жумладан интернет сайтлари, инглиз тилида чоп этилган адабиётлар ва мақолалардан фойдаланишни кўзда тутади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012 й.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т.: Ўзбекистон, 25 декабр 2007 йил, 263-бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2008 йил 19 ноябрьдаги ПФ-4010-сонли Фармони.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий мақроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2014 йил 4 декабрдаги №2270- сонли Қарори.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли Қарори.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 14 февралдаги “Обод турмуш иили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1920- сонли Қарори.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг хуқуқий-меъёрий хужжатлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

3.2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27-декабрдаги "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 14-сон буйруғи (ЎзР АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54- қарори. –Т.: 1999й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

4.1. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Тошкент: “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2015 йил 17 январ

4.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

4.3. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъяят билан давом эттириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар

5.1. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712 б.

5.2. Меркулова И.В., Лукъянова А.Ю. Деньги, кредит, банки. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 352 стр.

5.3. Rashibov O.Yu. va boshqalar. Pul, kredit va banklar. Darslik. -T.: TDIU, 2010. -428 bet.

5.4. Лаврушин О.И., Банковский менеджмент. Учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 стр.

5.5. Курбонов Х.А. Замонавий молия тизими ва унинг долзарб муаммолари. Монография. Т.: Иқтисодиёт, 2014 й.-118 б.

VI. Интернет сайтлари

- 6.1. www.gov.uz
- 6.2. www.mf.uz
- 6.3. www.lex.uz
- 6.4. www.cb.uz

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

1-мавзу. Замонавий шароитларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари.

Режа

1. Молия тизими ва унинг трансформаллашуви.
2. Молия тизимининг бўғинлари.
3. Замонавий шароитларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари.

Калит сўзлар: молия, давлат молияси, давлат бюджети, классик молия назарияси, неоклассик молия назарияси, молиявий сиёсат, молиявий институтлар, молиявий инструментлар

1.Молия тизими ва унинг трансформаллашуви.

Молия тарихий категория сифатида жамиятни синфларга бўлиниши ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келди. Давлатлар жамиятнинг сиёсий институти сифатида йирик миқдордаги доимий шаклланадиган молиявий ресурсларга эҳтиёжининг пайдо бўлиши молиявий муносабатларнинг дастлабки примитив шаклларини объектив равишда юзага келтирди.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва давлатларнинг пайдо бўлиши такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иқтисодий бойликни, уни яратишда қатнашувчи субъектлар билан давлат ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича аниқ тизимлаштирилган ўзаро муносабатларни юзага келтирди. Хусусан, бу муносабатлар «Молия» тушунчаси билан аниқлаштирилди.

Молия – давлатнинг ўз функция ва вазифаларини бажариши ҳамда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш мақсадида марказлашган ва марказлашмаган пул фондларининг шакллантирилиши, тақсимлаш ва фойдаланилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуидир.

Молиянинг иқтисодий моҳияти масаласи мазкур категориянинг ички мазмунини аниқловчи 2 назария амал қиласи:

1. Тақсимлаш назарияси тарафдорлари.
2. Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорлари.

Тақсимлаш назарияси тарафдорлари тасдиқлайдики, молия ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг 2 босқичида пайдо бўлади яъни ялпи ички маҳсулот қийматини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида вужудга келади.

Такрор ишлаб чиқариш назарияси тарафдорлари эса молия такрор ишлаб чиқариш категорияси сифатида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларида намоён бўлади деб таъкидлайдилар.

Молия иқтисодий категория сифатида иккита функцияни баражади. Молиянинг тақсимлаш функцияси орқали ЯИМ ва милий даромад бирламчи ва қайта тақсимланади ва турли ҳил пул фондлари ҳосил қилинади. Ушбу пул

фондларини умумлаштирган ҳолда марказлаштириган ва марказлаштирилмаган пул фондларига ажратиш мумкин.

Молиянинг назорат функцияси- бу объектив равища амал қилувчи пул муносабатлари жараёнларини назорат қилишда ўзининг ифодасини топади.

Молиявий назорат- молияни бошқариш тизимининг элементи сифатида маълум соҳалар бўйича назорат қилиш вазифаси юклатилган, давлат ва бошқа мустақил жамоат ташкилотлари томонидан барча иқтисодий субъектларнинг молиявий фаолияти устидан молиявий-хўжалик қонунчилигига риоя қилишлари, амалга оширилган харажатларнинг мақсадга мувофиқлиги, молиявий-хўжалик фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини текшириш ва кузатиш бўйича қиймат назоратининг алоҳида туридир

Молия тизими сифатида «молиявий муносабатларнинг ташкил қилиш шакли» ёки «молиявий муносабатларнинг ташкилий тузилмалари мажмуаси» сифатида кўриб ўтиш мумкин. Масалан, Таниқли америкалик мутахассис Ж.Ван Хорн молия тизими - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси –деган таърифни беради. Л.Дробозинанинг фикрича «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат»-деган таърифни беради. Г.Полякнинг фикрича молия тизими - давлат, хўжалик субъектлари ва уй хўжаликларининг пул маблағлари фондини турли хил усуллари ва шаклларда тақсимлаш жараёнидаги турли молиявий муносабатлар мажмуаси-деб талқин қилинади. Таниқли иқтисодчи В.Ковалева эса молия тизимига ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг субъектлари ўртасида жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш бўйича пул муносабатларни ташкил қилиш шакли сифатида қараш лозимлигини таъкидлайди.

Юқоридаги молия тизими бўйича келтирилган таърифларда мантииқий яхлитлик мавжуд бўлиб, ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимланиш жараёнида ҳосил бўладиган пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёни молия тизимининг марказий мазмунини ташкил қилиши таъкидланади.

Демак, **молия тизими** - молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, ҳар қайси соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш хусусиятлари билан тавсифланади

Иқтисодий субъектларнинг даромадларини шаклланиш усулларига боғлиқ равища молия тизимини марказлаштирилган молия(умумдавлат молияси) ва марказлаштирилмаган молия(хўжалик субъектлари ва уй хўжаликлари молияси) каби асосий турларга ажратиш мумкин.

Молия тизими пул муносабатлари тизимини ташкил қилиш шакли сифатида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишни таъминловчи З асосий ўзаро боғлиқ тизимларга бўлинади: Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг молияси, турли мулкчилик ва фаолият билан шугулланувчи хўжалик субъектлари молияси, уй хўжаликлари молияси(хонадон молияси).

Яхлит молия тизимини ташкил қилувчи мазкур тизимлар ҳам иқтисодий субъектларнинг аниқ пул маблағлари фондини ташкил қилинишига қараб ўз навбатида алоҳида бўғинларга ажратилади.

Молия хақидаги фаннинг ривожланиши ва тараққиётини 2 йирик босқичларга ажратишимиш мумкин. Биринчи босқич, Рим империяси давридан бошлаб 20 аср ўрталаригача бўлган давр ҳисобланаб, бу давр мобанийда молиянинг классик назарияси шакллантирилган. Молиянинг классик назариясининг шаклланиш ва ривожланиш даври кейинчалик ўзининг ўрнини неоклассик молиявий назарияга бўшатиб берди. Молия хақидаги фаннинг тараққиёти жамиятдаги хўжалик ҳаётининг тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиб боришига боғлиқ ҳолда содир бўлиб борди.

Молиянинг классик даврининг туб моҳияти, молия тизимида давлат молиясининг уциворлиги, молия тизимида давлатнинг хукмронлиги билан белгиланади. Неоклассик молиявий назария хусусий секторнинг молия тизимидағи устуворлигини, хусусан, йирик компаниялар ва молия бозорларининг молия тизимидағи уциворлигига асосланади.

Бир неча асрлар мобайнида шаклланган биринчи босқичнинг тараққиёти давомида классик молиявий назариянинг алоҳида шаклланиш даврлар бўлиб ўтганлиги аксарият иқтисодчи олимлар томонидан талқин қилинади. Масалан, Молия фани буйича таниқли назариячилардан бири, Гейделберг Университетининг профессори К. Рау классик молиявий назария тараққиёти шаклланишнинг 3 босқичи бошидан кечирганлиги хақида таъкидлайди. Улар: молия назариясининг ноилмий ҳолати(примитив шаклдаги) даври, молия назариясининг илмий қайта ишланиш даври, молия назариясининг илмий(мукаммаллашган) даври.

Молия назариясини шаклланишининг ноилмий даври. Тарихчи олимларнинг фикрича, мазкур даврнинг бошланиши қадимги Греция ва Рим империяси даврларига бориб тақалиши тўғрисида таъкидлайдилар. Хусусан, инсоният тарихида ибтидоий жамоа тузуми даврининг емирилиши, давлатчилик муносабатларини пайдо бўлиши молия назариясининг шаклланишини объектив асослари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аксарият адабиётларда, молиянинг тарихий категория эканлиги таъкидланади. Масалан, Л. Дробозина молия тарихий категория сифатида давлатларнинг шаклланиши ва жамиятни синфларга бўлиниши билан бир вактда пайдо бўлганлигини таъкидлайди.

Ўша пайтларда давлат даромадлари бир қанча манбалар ҳисобига шакллантирилиб, улар асосан давлат ерлари, конлари, бозорлар ва бошқа мулкларидан фойдаланганлик учун тўлов ва бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилган. Давлат харажатлари ҳам асосан ҳарбий харажатлар, бошқарув харажатларига ёналтирилган. Умумий қилиб айтганда бу даврларда давлат даромадларини шакллантириш ва сарфланиш механизми примитив(садда) ҳамда кучли императив характерга эга бўлиб, хўжалик юритишнинг ўша пайтдаги шарт шароитлари(антик сивилизация) мурakkab тақсимлаш механизмига эҳтиёж сезмаган.

Ўрта асрларда ҳам молия назарияси масаласида маълум даражада тизимлаштирилган қарашлар мавжуд бўлмаган. Шунинг учун ҳам молия назариясини ривожланишининг 2 даври ўрта асрларнинг тугаланиш давридан бошланиши хақида таъкидланади.

Шаклланган назариянинг 2 асосий хусусиятига эътиборни қаратиш лозим. Биринчидан, молия- давлатнинг ресурслари сифатида талқин этилган. Иккинчидан, молия пул маблагларидан фарқли эканлиги асосланиб, молия- давлатнинг ҳар қандай маблағлари деган холосани илгари сурилган.

XX аср тизимлаштирилган молия фанини мустақил йўналиш сифатидаги таракқиётида бурилиш даврини бошлаб берди. Бу даврлар молия фанининг ривожланишида илмий ва рационал ривожланиш даври ҳисобланди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, яъни 2 жаҳон урушидан сўнг жаҳон иқтисодиётида узгаришлар роъй берди. Иқтисодиётдаги бозор муносабатларининг ривожланиши, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқариши натижасида молиянинг назарий талқинида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди.

Капиталлар бозорининг ривожланиши ва байналминаллашуви, трансмиллий корпораяларнинг ролини ошиши, ишлаб чиқаришдаги концентрация жараёнининг кучайиши, ҳар қандай бизнеснинг ресурс таъминоти тизимида молиявий ресурслар аҳамиятининг ошишига олиб келди. Англия ва америка молия мактабларининг қарашлари асосида замонавий неоклассик молия назарияси шаклланди.

Молиянинг неоклассик назарияси 4 асосий тезисга асосланади:

-давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иқтисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгиланади;

-давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқартирилиб, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилади;

-корпоратив бизнес ривожланиш имкониятларини белгилаб берувчи уларни молиялаштириш манбалари таркибида фойда ва капиталлар бозори устувор аҳамият касб этади;

-капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминаллашуви алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграяон жараёнларга интилиб бориш тенденциясини шакллантиради.

Умумий қўринишда молиянинг неоклассик назариясини «молиявий триада»ни(ресурс, муносабатлар, бозорлар) ташкил қилиш ва бошқариш тизими сифатида аниқлаш мумкин. Мазкур назарияни шакллананишининг асосини ташкил қилувчи ва таркибий қисми ҳисбланувчи қуйидаги назарияларни киритиш мумкин: Арбитраж баҳоларни шакллантириш назарияси(*arbitrage pricing theory*), капиталлар таркиби назарияси(*theory of capital structure*), портфел назарияси ва молиявий активларни баҳолаш модели(*portfolio theory and capital asset pricing model*), опционлар бозоридаги баҳоларни шакллантириш назарияси(*option pricing theory*), дивиденд сиёсати назарияси(*dividend policy theory*).

Шуни таъкидлаш жоизки, молияни неоклассик назариясининг мазмуни молиявий бозорларни амал қилиш принциплари ҳакидаги билимларни тизимлаштириш ҳисобланади. XIX асрнинг охирига келиб иқтисодиётдаги молиявий бозорларнинг аҳамиятини ортиши аса секинлик билан унинг тараққиётини назарий жиҳатдан ўрганишга эҳтиёж сезила бошлади. Молиявий капиталнинг шаклланиши молиявий бозорларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини сезиларли даражада кучайтириди.

XX аср бошларида ёш франуз математиги Л. Башеле Сорбоннада ўзининг «Спекуляция назарияси» бўйича докторлик диссертациясида математик аппарат ёрдамида Франция фонд бозорларида акциялар баҳосини ўзгариш қонунларини очиб беришга ҳаракат қилди ва фонд бозорлардаги баҳолар ҳеч қачон аниқ фан бўла олмаслигини асослади. Капиталлар бозоридаги баҳоларни шакллантириш ва таҳлил қилишда цоҳацик моделлардан фойдаланиш ғоясини илгари сурди.

Фонд бозорлардаги баҳоларни шакллантириш назарияси соҳасидаги назарий ишланмалар Гарвард Университетининг битирувчилари Д.Уилямс ишларида намоён бўлиб, у молиявий активларни баҳолаш моделини таклиф қилди. Бу назариянинг шаклланишида ҳал қилувчи ролни Г.Марковиц давом эттириб портфел назариясига асос солди. 20 асрнинг 2 ярмида капиталларнинг таркиби ва молиялаштириш манбаларининг баҳоси назарияси интенсив равишда ривожланиб борди. Мазкур назария асосан Ф. Модиляни ва М. Миллер илмий изланишларида ўз аксини топди.

60-йиллардан сўнг йирик компаниялар молиявий ресурсларини бошқариш техникаси ва услубиётини қамраб оловчи «Молиявий менежмент» фани шаклланди. Мазкур фаннинг ривожланишида Ф.Блек, Ж.Линтнер, М.Шоулз, У. Шарп, Р.Брейли, С. Майерс, Ю. Брикхем ва бошқа қатор таникли олимларнинг роли бекиёс бўлди.

Собиқ империя даврида Ўзбекистон Республикасидаги молия соҳасидаги ишланмалар асосан давлат молиясининг назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган.

Мустақил Ўзбекистонда молия фанининг ривожланиши иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг концептуал асосларига мувофиқ шаклланиб бормоқда. Мустақил молия тизимини шаклланишининг назарий асослари таникли иқтисодчи олимларимиз: М. Шарифхўжаев, С. Ғуломов, Ҳ.Собиров, Қ. Яхёев, С.Бержанов, Т. Маликов, О.Олимжонов, Д. Гозибеков, А.Қодиров, Ж.Зайналов, Ш.Абдуллаева, А. Ваҳобов О.Номозов, Н.Хайдаров, Ҳ.Жамолов, О. Иминов ва бошқа қатор иқтисодчи олимларнинг меҳнати улкандир.

2.Молия тизиминининг бўғинлари.

"Тизим" ибораси сўнгги 40-50 йил давомида фалсафа фанида чуқур тадқиқ этиб келинмоқда ва уни ижтимоий ҳаёт соҳасига кенг жорий этиш расм бўлиб бормоқда. Ижтимоий, шу жумладан иқтисодий жараёнларга тизимли ёндашиш реал воқеликнинг туб моҳиятини теран англашга, уларнинг атрофидаги бошқа ходисалар билан узвий алоқадорлик ва ўзаро таъсир ҳолатида ривожланишини англаб этишга қўмаклашади.

Ягона тизим - ўзаро узвий алоқадор ва чамбарчас боғлиқ қисмлар (предмет, жараён воқеалар)нинг бир бутун сифатида ҳаракатланиши, мавжуд бўлишидир. Тизимнинг муҳим жиҳати - структуравий хусусиятнинг борлиги, яъни воқеликнинг ички таркибий қисмларга эгалиги, бу қисмлар орасида поғонали бўйсуниш мавжудлиги ҳамда бу қисмларнинг нисбий мустақиллиги сифатида кўрилиши мумкин.

Молия тизимининг ҳам талқини нуқтаи назардан классик ва неоклассик назария тарафдорларининг ёндашувида полисемантик ёндашувни кўришимиз мумкин.



1.1-расм. Молия тизимининг 2 хил мазмуни.

Молия тизими сифатида «молиявий муносабатларнинг ташкил қилиш шакли» ёки «молиявий муносабатларнинг ташкилий тузилмалари мажмуаси» сифатида кўриб ўтиш мумкин. Масалан, Таниқли американлик мутахassis Ж.Ван Хорн молия тизимига - давлат, фирмалар ва фуқароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг мажмуаси¹ – деган таърифни беради. Л.Дробозинанинг фикрича «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил қилиш ва фойдаланиш жараёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини мажмуасидан иборат²»-деган таърифни беради. Г.Полякнинг фикрича молия тизими - давлат, хўжалик субъектлари ва уй хўжаликларининг пул маблағлари фондини турли хил усуллари ва шаклларда тақсимлаш жараёнидаги турли молиявий муносабатлар мажмуаси³ – деб талқин қилинади. Профессор В.Ковалева эса молия тизимига ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг субъектлари уртасида жами ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш буйича пул муносабатларни ташкил қилиш шакли сифатида қараш лозимлигини таъкидлайди⁴.

¹ Ван Хорн Дж. Основы управления финансами М.: Финансы и статистика, 1996. 34 с

² Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение и кредит. М.: Финансы и статистика, 2000.

³ Поляк Г.Б. Финансы, денежное обращение и кредит. М.: Финансы и статистика, 2001. 73с.

⁴ Ковалева В.В. Финансы. М.: Проспект, 2004. 14с.


Юқоридаги молия тизими бўйича келтирилган таърифларда мантикий яхлитлик бўлиб, ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимланиш жараёнида ҳосил бўладиган пул маблағлари фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёни молия тизимининг марказий мазмунини ташкил қилиш таъкидланади.

Бизнинг фикримизча, молиятизими – молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини ўз ичига олиб, турли соҳалар пул маблағлари фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш шакллари ва усуслари мажмуаси билан тавсифланади.

Молия тизимининг асосий функциялари қўйидагилардан иборатdir:

- режалаштириш функцияси;
- ташкиллаштириш функцияси;
- рағбатлантириш функцияси;
- назорат функцияси.

Молия тизимининг функционал вазифалари нуқтаи-назардан турлича талқин этиши мумкин. Буни қўйидагиларда кўришимиз мумкин.



1.2-расм. Молия тизимининг ташкилий тузилмаси

Иқтисодий субъектларнинг даромадларини шаклланиш усусларига боғлиқ равишда молия тизими марказлаштирилган молия(давлат молияси) ва марказлаштирилмаган молия каби 2 асосий турга ажратиш қабул қилинган.

Молия тизими пул муносабатлари тизимини ташкил қилиш шакли сифатида молиявий ресурсларни шакллантириш ва фойдаланишни таъминловчи 3 асосий ўзаро боғлиқ тизимларга бўлинади: Давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг молияси, хўжалик субъектлари молияси, уй хўжаликлари молияси.

3.Замонавий шароитларда молия тизими ва унинг долзарб муаммолари.

XXI асрнинг дастлабки даврларида жаҳон иқтисодиётида кузатилган молиявий-иктисодий инқироз кейинги қарийиб ярим аср мобайнида тараққий этиб борган замонавий молия тизимидағи долзарб муаммолар таъсирида ҳанузгача давом этиб келмоқда. Кейинги йилларда кузатилган шиддатли глобаллашув жараёнлари молия тизимининг ҳам умумий трасформаллашувига таъсир этди. Ушбу даврларда молия тизимининг том маънодаги “архитектура”си ўзгариб борди ва параллел равишда унинг концептуал асосини ташкил этувчи молиянинг неоклассик назарияси шаклланиб борди. Замонавий молия тизими “архитектураси” қўйидаги омиллар таъсирида шаклланди:

-давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қисқартирилиб, иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолияти эркинлаштирилди. Пировард натижада, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиши жараёнида ҳосил қилинадиган пул фондлари таркибида корпоратив бирликлар кесимида шакллантириладиган марказлашмаган пул фондларининг ҳиссаси ва кўлами ҳаддан зиёд ортиб борди. Ушбу ҳолат молия тизимида корпоратив сектор молиясини ва молиявий воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи институтларнинг аҳамиятини ортиб боришига олиб келди;

- молия тизимида давлат молияси молиялаштиришнинг етакчи сегменти бўлган бўлса, молиявий инновацияларнинг авж олиши ва молиявий бозорларда янги молиявий инструментларни (деривативлар, хедж инструментлари ва бошқалар) пайдо бўлиши натижасида ушбу тенденцияда молиявий воситачилик операциялари билан шуғулланувчи молиявий институтлар, бозорларнинг аҳамиятини ортишига олиб келди;

- давлатнинг иқтисодий қудрати, унинг молия тизимини барқарорлиги хусусий секторнинг иқтисодий қудратини сезиларли даражадалиги билан белгиланади. Кўп укладли иқтисодиётнинг шакллантирилиши, ялпи ички маҳсулотнинг шакллантирилишида хусусий укладнинг етакчилиги, уларнинг давлат молиявий ресурслари шакллантиришдаги аҳамиятининг ортишига олиб келди. Пировард натижада давлат молиясининг барқарорлигига хусусий сектор барқарор тараққиётининг таъсир кучи ўсиб борди.

- капиталлар, товарлар, меҳнат бозорларининг байналминаллашуви алоҳида мамлакатларнинг молия тизимини интеграцион жараёнларга интилиб бориши тенденциясини шакллантирди. Бу ҳолат ўз навбатида ҳар бир мамлакат миллий молия тизимини бошқа мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлган инқирозли ҳолатларга ўзаро таъсир кучини юзага келтирди. Айниқса кейинги йилларда айrim ресурсларнинг глобал даражада истеъмолининг кучайиши ушбу ресурслар бозоридаги конъюнктуранинг молия тизими барқарорлигига таъсир этиш имкониятининг кучайишига олиб келди. Масалан, углеводород хом ашёсини(асосан нефть) экспорт қилувчи мамлакатлар ва ушбу хом ашёни асосий импорт қилувчи мамлакатлар молия тизимининг барқарорлиги ушбу маҳсулотларга нисбатан жаҳон бозоридаги конъюнктурага кучли боғлиқ бўлмоқда.

Юқоридаги омиллар таъсирида шаклланган замонавий молия тизимидағи долзарб муаммолар қуидагилардан иборатдир:

1. Халқаро савдо ва капиталлар харакатидаги дисбаланснинг ҳанузгача сақланиб қолинаётганлиги. Бу ҳолат кейинги йилларда турли мамлакатлар кесимида олиб борилган иқтисодий сиёсат натижаси ҳисобланади. Хусусан, ҳалқаро захиралар хажми бўйича етакчилик қилаётган Хитой иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлиги ва шунингдек, асосий ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг айрим товарлар ва хизматларга нисбатан истеъмолга “ётиб олиши” ҳалқаро капиталлар харакатидаги дисбаланснинг бузилишига олиб келган эди. Ушбу муаммони 2008 йилда расман тан олинган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини вужудга келишидаги асосий омил сифатида эътироф этилган эди. Кейинги йиллардаги тенденция кўрсатмоқдаки бу борадаги фаолиятни тартибга солиш борасида жиддий ўзгаришлар кузатилгани йўқ. Масалан, Хитойнинг АҚШга товарлар ва химатлар экспорти 2012 йилда 10,3%га ортган.

Пировард натижада, 2013 йилда тез ривожланаётган мамлакатлар ҳалқаро захиралари хажми ва таркибидаги ўзгариш рўй берди. Бу ўз навбатида захира валютаси ҳисобланувчи валюталарни муомалага чиқарган мамлакат эмиссион банки томонидан олиб борилаётган монетар сиёсага боғлиқлигини кучайтирум олади.

2. Кейинги йилларда олиб борилган монетар сиёсатнинг салбий таъсирининг давом этиши. Бугунги кунда кучли молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан ўтказаётган европа иқтисодий конфедерацияси молия тизимидағи долзарб муаммолар қаторида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасидаги банк тизимида глобал ликвидлилик муаммоси мухим ўрин эгаллайди. Таникли молиявий шарҳловчи Эмброза Эванса Притчарднинг таъкидлашича Европа банклари нормал даражага чиқиши учун қарийиб 7 триллион евро миқдоридаги берилган кредит ресурсларини қайтариб олиши лозим. Банкларнинг ушбу маблағлари таркибида давлат облигацион заёмларига қўйилмалар хажми ҳам сезиларли салмоқни ташкил этади.

3. Жаҳон молия бозори капиталлашув даражасининг ортиши ва унда юқори рискли активлар билан керагидан ортиқ даражада тўйиниши ушбу юқори рискли активлар бўйича операциялар устидан мавжуд назорат тизимини кучли таъсир кучига эга бўлмади. Ҳосилавий молиявий инструментлар хажмини қисқартириш ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг шаффолигини ошириш билан боғлиқ ислоҳотларни амалга оширилишига қарамасан кредит деривативалари бозори (биринчи навбатда кредит своплари) жаҳон молия бозорларидаги нобарқарор ҳолатни вужудга келишига таъсир этмоқда. Кредит деривативаларининг асосий функцияси рискни минималлаштириш бўлса-да, кейинги йиллардаги ҳолат, ушбу шартномалар бўйича тизимли рискларнинг юксалишига олиб келди.

4. Кейинги йилларда молия тизимидағи муаммоларнинг кескинлашувига таъсир этувчи омиллардан бири, секюритизацияллашув жараёни ва турли молиявий “маҳсулот”ларнинг тизимлашуви ҳисобланади. “Тизимлашган секюритизация” қимматли қоғозлар билан боғлиқ рискларни

минималлаштиришнинг ўзига хос универсал схемаси ҳисобланса-да, ушбу жараённининг ҳаддан зиёд ривожланиши юқори рейтингли қимматли қоғозларнинг амалдаги сифат тавсифини пасайишига олиб кеди.

5. Давлатлар томонидан олиб борилган қарз сиёсати ва унинг натижасида қарздорлик муаммосининг авж олиши.

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортидан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20-25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради.

Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Молия тизими ва унинг трансформаллашуви тенденциялари нималдан иборат?
2. Молия тизими қандай бўғинлардан ташкил топган?
3. Молия тизимида қандай долзарб муаммолар мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.– Т.: Ўзбекистон, 2014. - 29 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий қўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2013 йил 24 декабрдаги 2099-сонли қарори
3. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712 б.

2-мавзу. Молия генезиси (тараққиёти).

Режа

1. Турли ижтимоий-иктисодий тузумлар шароитида молия тизимининг амал қилиш хусусиятлари
2. Молия- тарихий категория сифатида.
3. Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти

Калим сўзлар: Ижтимоий-иктисодий тузумлар, тарихий категория, солиқ тизими, билвосита солиқлар

1. Турли ижтимоий-иктисодий тузумлар шароитида молия тизимининг амал қилиш хусусиятлари

Ижтимоий-иктисодий тузумлар бир-биридан ишлаб чиқариш муносабатлари билан фарқланади. Ўз навбатида, янги ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражасидан келиб чиқади. Янги ишлаб чиқариш муносабатларига давлат тузилмаси ҳам мос келиши керак. Муайян давлатда ўзгаришлар юқоридагидек кетма-кетликда ва боғлиқликда содир бўлмаслиги мумкин. Лекин бу жараёндаги умумий қонуният хусусий ҳолатларга боғлиқ бўлмайди. Ҳар бир ижтимоий тузум ва шунга мувофиқ равишда, шу тузумдаги давлатга маълум бир молиявий тузилма мос келади. Турли ижтимоий-иктисодий тузумларда молиянинг фарқланиши қуйидаги сабаблар билан белгиланади:

- ҳар қандай ижтимоий тузумга жамиятнинг ўз синфий тузилмаси мос келади. Бунда молия МДни тақсимлаш муносабатларини ҳисобга олиб, уларнинг давлат фойдасига қайта тақсимланишини ташкил қиласи;
- ҳар қандай ижтимоий-иктисодий тузумда молия ҳукмон синфнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатнинг мақсадлари ва вазифаларига бўйсунади;
- ишлаб чиқаришнинг янги усули хўжалик муносабатларининг янги тизимини вужудга келтиради. Масалан, қулдорлик ва феодал тузумларда натурал муносабатлар хос бўлган бўлса, шунга мос равишда давлат даромадларини шакллантириш ҳам натурал харак-тер касб этган. Капиталистик хўжалик товар-пул муносабатларига таянади. Шунга мувофиқ давлат даромадларини шакллантириш ҳам пул шаклида амалга оширилади;
- агар давлат бошқарув органи сифатида таркиб топган ишлаб чиқариш муносабатлари ва синфий тузумнинг вазифаларига хизмат қиласа, шу вазифаларга молия ҳам хизмат қиласи;
- XX аср тажрибаси огохлантиради (ўқитади, таълим беради, тарбиялайди):
 - аниқ синфларга бўлинган давлат мавжуд бўлмайди;
 - турли ижтимоий тузилмага эга бўлган давлатлар бир тари-хий даврда бўлиши мумкин;
 - бир ижтимоий-тарихий тузумдан иккинчисига ўтиш асрлар давомида содир бўлиши мумкин;

– факат ижтимоий тузилма ва технологияларнинг эмас, балки молиянинг ҳам экспорт қилиниш эҳтимоли мавжуд.

Натурал муносабатлар устунлик қилган пайтларда ҳатто нисбатан ривожланган мамлакатларда ҳам пул ўзининг барча функ-цияларини бажара олмаган. Шунга мос равища пул муносабатла-рининг тизими сифатида молия ҳам энг умумийлик касб эта олмаган. Ибтидоий - жамоа тузумининг хўжалик тузилмаси тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги учун тахмин қилиш мумкинки, доимий давлат аппарати йўқ бўлганлиги учун ана шундай давлатнинг даромадлари ва харажатларини шакллантириш ҳам бўлмаган. Давлат аппаратининг шаклланиши, унга тегишли бўлган функцияларнинг кенгайиши, хусусан, доимий қўшинларга асос солиниши, йўл қурилишининг жорий этилиши билан молиянинг мавқеи ошиб борган. Қулдорлик давлатлари даромадларининг асосий манбалари контрибуциялар, ҳарбий ўлжалар, натурал соликлар ва бошқалар ҳисобланган. Маълум бир мамлакатда маълум бир давр мобайнида аҳолининг муайян гурухлари пул қўринишидаги соликларни тўлаган бўлиши мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, қулдорлик тузумида пул қўринишидаги соликлар фақат тасодифийлик хусусиятига эга эди. Шунингдек, натурал хўжалик юритишга асосланган феодализмда ҳам пул соликлари устуворлик касб қилиши мумкин эмас эди.

Шуниси муҳимки, жамиятнинг товар-пул муносабатларига ўтиши муносабати билан иқтисодий категория сифатида молия умумийлик хусусиятига эга бўлади. Бироқ ҳатто ана шундай шароитда ҳам давлат эҳтиёжларини қондиришнинг пулсиз хусусиятга эга бўлган методлари сақланиб қолиши мумкин. Бунинг мисоли сифатида ёппасига ҳарбий мажбуриятни кўрсатиб ўтиш мумкин.

2. Молия- тарихий категория сифатида.

Молиянинг тарихий хусусиятга эга эканлиги ҳар қандай давлат ўз функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган фондларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг тизимини яратади, деган хulosани чиқаришга имкон беради. Бунда фондларни шакл-лантириш ва улардан фойдаланишнинг шакллари ва методлари бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Бироқ фондларни шакллантиришнинг манбалари чекланган ва ҳеч бир давлат ўз эҳтиёжларини қондириш учун даромадларнинг янги манбаларини ихти-ро қилиш мумкин эмас. Бу ерда гап ундиришнинг шакллари тўғрисида эмас, балки унинг обьектлари тўғрисида кетмоқда. Ана шундай обьектлар сифатида ҳар доим мулк ва даромад майдонга чиқади. Ундириш шакллари тўғрисида гапириладиган бўлса, у ҳолда ҳатто антик грек давлатларидаётк тўғри (бевосита) соликлар билан биргаликда эгри (бильвосита) соликлар ҳам пайдо бўлган. Тўғри (бе-восита) соликлар ер ва мол эгаларидан олинган. Уруш даврларида эса мулкий солик жорий этилган. Эгри (бильвосита) соликлар бож-хона божлари ва савдога солик шаклларида майдонга чиқкан.

Рим империяси қўшинида пулли тўланмалар (ёлланмалар ва офицерлар учун) жорий этилган. Бу ва шунга ўхшаш бошқа эҳтиёжлар (томушаларни ташкил этиш, ишсиз фуқароларга ёрдам кўрсатиш ва бошқалар) пулли

харажатларни талаб этган. Шунинг учун ҳам, ҳарбий ўлжалар ва контрибуцияларга қўшимча равишда пулли солиқлар жорий этилган. Қулни сотиш ва сотиб олиш учун тўлана-диган солиқ ана шундай солиқларнинг дастлабкисидир. Ноозик-овқат буюмларини сотганилик учун (1% миқдорида) ҳам солиқ ундирилган. Урушлар даврида ҳар бир фуқаро мол-мулқдан ундириладиган фавқулодда солиқ ҳам тўлаган. 5% миқдорида ундирила-диган меросдан олинадиган солиқ жорий этилган. Ижтимоий тузум сифатида феодализм ё қулларга эгалик қилиш, ё патриархал тузум асосида ривожланган. Бироқ бу ерга хусусий эгалик ва дехқонларнинг қарамлигига асосланган ижтимоий тузумга кескин таъсир. Қарам дехқонлар бўлмаган жойда феодализм ҳам мавжуд бўлмаган.

Ҳар бир мамлакатда марказлаштирилган ҳукуматнинг ўрни ва унинг функциялари феодалларнинг таъсири остида белгиланган. Феодал ўзи эгалик қиласидаган жой чегаралари доирасида ўз солиқларининг тизимини жорий этган. Марказий ҳокимият хўжалик хаётига, хусусан, аҳолини солиқка тортиш масалаларини фақат феодал билан мувофиқлаштирилган чегара доирасида аралашуви мумкин эди. Европада феодал бўлинишига биринчи марта салиб юришлари орқали келиб чиқкан рицарликларнинг кучсизланиши оқибатида барҳам берилган⁵. Давлатлар ўртасидаги урушлар бошқаларга нис-батан урушлар туфайли бойиган мамлакатларда қироллик ҳоки-миятини мустаҳкамлаган. Ер эгаларини сақлашга сарф қилинган тўланмалардан ташқари дехқонлар йўллар, қасрлар, қальалар қуриш ва хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни ҳам бажаришга мажбур бўлганлар. Хунармандлар феодал ва шаҳар ҳокимиётларига солиқларни фақат ўзларининг буюмлари билан эмас, балки пуллари билан ҳам тўлаганлар. Савдогарлар феодалга совғалар ва даромадларидан тўловлардан ташқари транзит ва бошқа божларни тўлаганлар.

Ўрта асрларнинг бошларида ҳар бир ҳукмдор ўз солиқлари ва ўлпонларини жорий этган. Ҳатто давлатнинг ичидаги ҳам солиқ ва ўлпонларни унификация қилиш тўғрисида гап бўлмаган. Абсолю-тизмнинг мустаҳкамланиши ва ишлаб чиқариш кучларининг ри-вожланиши пулли солиқларга ўтишга сабаб бўлди. Жамиятда товар муносабатлари қанча юқори бўлса, пулли солиқларнинг салмоғи ҳам шунча катта бўлган. Феодализмнинг ўрта ва сўнгти даврларига хос бўлган ягона умумий белги сифатида сотиб олиш тизимининг мавжудлигини эътироф этиш мумкин. Сотиб олувчилар хазинага келишилган ёки қайд этилган суммани тўлаб, даромадларнинг кат-та қисмини ўз ихтиёрларига қолдирганлар. Шунинг учун ҳам, сотиб олувчилар, савдогарлар, хунармандлар феодал муносабатларни буржуа муносабатларига айлантиришда энг асосий манфаатдор қат-лам сифатида гавдаланган.

Солиқка тортишнинг сотиб олиш тизими сотиб олувчиларнинг қўлида катта миқдордаги пул ресурсларининг тўпланишга имкон берди. Улар заводлар, фабрикалар ва банкларнинг биринчи мулк-дорларига, буржуазиянинг биринчи

⁵ Афсуски, Ўрта Осиёдаги вазият баязи бир объектив ва субъектив сабабларга қўра те-гишли мутахассислар томонидан етарли даражада тадқик этилмаганлиги ва мавжуд ман-балар устида ишлашнинг жуда муракаблиги муносабати билан масаланинг бу жиҳат-ларига ўз Ватанимиз мисолида тўхталиб ўтишга имконимиз йўқ. Қўлланманинг кейинги нашрларида бунга барҳам беришга ҳаракат қиласиз ва уни тегишли ишончли мате-риаллар билан бойитиб, тўлдирамиз.

вакиллариға айланғанлар. Турли солиқ имтиёзлари ва преференциялари, тұсиқли божхона бож-лари ва солиқ иммунитетлари капиталнинг жамғарилишига олиб келди. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан жамғарилган капитал эндигина туғилиб келаётган саноат сари йўл олиб, капиталистик муносабатларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўр-сатди. Ваниҳоят, ҳукумат, узлуксиз феодал урушлари олиб бориб, қурол-яроқ, ҳарбий иншоотлар, флот қуришнинг буортмачиси сифатида майдонга чиқиб, МДни солиқ тизими орқали қайта тақсим-лаб капиталнинг саноатда жамғарилишига имкон берди. Капиталнинг жамғарилишига саноатнинг ривожланишини рағбатлантирган, буржуазиянинг мустаҳкамланишига шароит яратиб берган мустамлакаларнинг босиб олиниши ҳам ёрдам берди.

Шаҳарлар ва саноатнинг ривожланиши ишчи кучи оқимини талаб этган. Ишчилар салмоғининг аҳоли умумий сонига нисбатан ортиб бориши жамиятдаги натурал муносабатларни қисқартириди. Буларнинг барчаси капиталистик муносабатларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Буржуазия томонидан ҳокимиятнинг қўлга киритилиши монархиянинг емирилиши ёки унинг ҳокимият-чилик ваколатларидан маҳрум бўлганлигини англатади. Ҳокимият тепасига келиб, буржуазия “солиқ зулми”ни пасайтиришга эмас, балки феодалларга тегишли бўлган имтиёзларга барҳам беришга ва солиқларни меҳнаткашларнинг зиммасига юклашга интилди. Давлатдаги умумий солиқ юки енгиллашмайди. Турлича тарзда таъсир этадиган омилларнинг таъсири остида буржуазия капитални янада жамғариш ва ўз фойдасини янада ўстириш учун ўзини тегишли им-кониятлар билан таъминлади.

Капиталлар ҳаракатидаги миллий чегараларга барҳам берилиши билан банклар, биржалар ва мустамлакачилик урушлари бундай вазиятнинг инструментлари бўлиб қолди. Буржуазия эксплуатация қилишнинг бутун оғирлигини босиб олинган мустамлакалар ишчи-лари гарданига юклаб, ўз мамлакатлари ишчиларининг ашаддий ҳимоячиларига айланди. Ўз даромадлари учун ишчилар синфининг қарши кураши буржуазия қўлида капиталнинг янада концентра-циялашувига (тўпланишига) имкон берувчи янги молиявий инсти-тутларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу ерда гап тиббий ва со-циал суғурта, мол-мулк ва ҳаёт суғуртаси тизимлари тўғрисида кет-моқда. Барча мамлакатларда буржуазия давлат туфайли солиқлар-нинг жуда катта қисмини ўз қўлига қурол-аслаҳага, транспорт қу-рилишига, уй-жой қурилишига ва ҳ.к.ларга буортмалар орқали тўп-лайди.

Хусусий тадбиркорлик принципларига асосланган тизим сифатида капитализмнинг тараққий этиши билан халқаро меҳнат тақсимоти жараёнининг қучайиши ва шу асосда капиталнинг ривожланган мамлакатларда концентрациялашви кузатилади. Нафакат солиқ имтиёзлари ва ҳукумат буортмалари, балки божлар, имтиёзли кредитлар тизими, рентабел корхоналар ва бутун тармоқларни сотиб олиш, ноишлаб чиқариш инфратузилмани молиялаштириш ва ҳ.к.лар орқали давлат ҳар доим миллий буржуазиянинг позицияларини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Иқтисодий таназзуллар ва иқтисодиётнинг стагнация даврларида солиқлар, кредитлар ва

буортмалар билан манипуляция қилиш асосида ўзи-нинг тартибга солувчилик мавқеини фаоллаштиради. 1929 йилдаги иқтисодий таназзул пайтида АҚШ ҳукуматининг юритган сиёсати бунга мумтоз мисол бўла олади.

3.Молия ҳақидаги фаннинг тараққиёти

Молия бўйича ишларнинг биринчи муаллифлари қаторига Ф.Петрарка, Д.Караф, Бернардо, Ф.Гвиччардини, Ж.Ботеро, Н.Макиавели ва бошқа италияликларни киритиш мумкин.

XVII асрда молия назариясининг ривожланишига инглиз иқти-садчилари катта ҳисса қўшган. Улар орасидан Т.Мен, Ж.Локк, Т.Гоббс, Гаутонларни алоҳида ажратиб қўрсатиш керак.

Л. Фон Секендорф, С.Пуфендорф, И.Юсти ва И.Зонненфельс каби немис олимлари XVII-XVIII асрларда молия фанини бойитишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Улар адабиёт-ларда камералистиканинг немис мактаби вакиллари сифатида кири-тилган. И.Юсти 1746 йилда нашр этилган “Молия моҳиятининг ти-зими” асарида молия тўғрисидаги камералистик мактаб вакилла-рининг қарашларини умумлаштиргди. Бу асрда биринчи марта молия фани ва молиявий сиёsat ажратилиб қўрсатилган.

Физиократларнинг ўтмишдошлари ҳам иқтисодиётни ўрганганлар. Уларнинг асарларида молиянинг турли йўналишлари таҳлил ва тадқиқ қилинган. Бундай муаллифлар қаторига Т.Гоббс, Ж.Локк, Д.Юм, В.Петти, Г.Баугильбер, С.Вобан, Ж.Стюартларни қўрсатиш мумкин. Айнан В.Петти (1623-1687 йиллар) ўзининг “Солиқлар ва йиғимлар хусусида трактатлар” асари билан буржуа сиёсий иқтисодининг илк намояндаси ҳисобланади.

Мумтоз сиёсий иқтисоднинг вужудга келиши ва ривожланиши XVIII асрга тўғри келади. Бу мактабнинг вакиллари молияни сиёсий иқтисоддан ажратмаганлар ва уни мустақил фан сифатида эътироф этмаганлар. Бу мактаб муаллифлари (французлар – А.Тюрго, Ф.Кенэ ва В.Мирабо, инглизлар – А.Смит ва Д.Рикардо) ишларининг даражаси, ҳажми ва услуби хилма-хил бўлишига қарамасдан мумтоз мактаб вакилларининг молия тўғрисидаги таълимотларини қўйидаги тўртта асосий йўналишга келтириш мумкин:

- давлат керак, чунки у “табиий тартиб”ни ҳасаддан ва тажовузлардан ҳимоялайди;
- давлатни тутиб туриш арzon бўлмоғи лозим, чунки давлатнинг бошқарув харажатлари ноишлаб чиқариш характеристига эга;
- давлат “табиий тартиб”ни, яъни мулкчилик ва рақобат ҳукуқини буза олмайди, чекловчи божхона божлари ва монополияларни ўрнатиш йўли билан ҳам мамлакатнинг хўжалик ҳаётига ара-лашмаслиги керак;
- давлат солиқقا тортишнинг қўйидаги асосий принципларига қатъий риоя этмоғи лозим:
 - ўз даромадларига мувофиқ равищда барча солиқ тўлаши керак (бу қоида руҳонийлар ва аслзодаларнинг солиқ иммунитетига қарши йўналтирилган);
 - солиқни олдиндан аниқ белгилаш зарур;
 - солиқни солиқ тўловчи учун қулай бўлган вақтда ундириш лозим;
 - солиқларнинг ундирилиши арzon бўлиши керак.

Капиталистик тизимнинг феодализм устидан ғалабаси янги ишлаб чиқариш муносабатларини у ёки бу даражада ҳимоя қилувчи иқтисодий мактаблар ва қараашларнинг вужудга келишига олиб келди. Шўролар тарихнавислигига бу иқтисодий мактабнинг вакилла-ри вульгар иқтисодчилар гурухига бирлаштирилган эди. Чунки улар, асосан, давлат даромадларини шакллантириш масалаларига асосий эътиборни қаратиб, унинг харажатларини таҳлил этиш буржуа ҳукуматлари тўғрисида салбий тасаввур ҳосил қилиши мум-кинлиги тўғри деб ҳисоблаган эдилар. Бу мактабнинг етакчи намояндадаридан бири Ж.Миль ҳисобланиб 1848 йилда “Сиёсий иқти-сад асослари” деб номланган асарини чоп этган. XIX асрнинг охир-ларида молиячи-олимлар қаторига 1877 йилда молия фани кур-сини нашр этган француз П.Леруа-Больени ва 1892 йилда “Давлат молияси” китобини ёзган инглиз К.Бастблни киритиш мумкин. XIX асрда молия назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшиб, 1826-1832 йилларда учинчи қисми тўлиқ молияга бағишлиланган сиёсий иқтисод курсини нашр эттирган К.Раудир. Унинг “Молия фани-нинг асосий бошланиши” деб номланган асари 1867 йилда рус ти-лида нашр этилган ва Россияда молия фанининг ривожланишига ўзининг кескин таъсирини кўрсатган.

XIX асрнинг биринчи 1/3ида нашр этилган немис олимларидан Сoden (1811 йил), Якоб (1821 йил), Мальхус (1830 йил) ва Шенларнинг (1832 йил) молия тўғрисидаги асарлари алоҳида машхурликка эга бўлмаган бўлса-да, лекин бу ишлар “молия” тушунчасининг таркибига биринчи марта маҳаллий молияни киритган Л.Фон Штейн ва молия фанининг мумтози А.Вагнерлар (унинг “Молия тўғрисидаги фан” асари 1880 йилда нашр этилган) дунёқарашлари-нинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. XIX аср охирлари-нинг етакчи молиячи-олимлари қаторига австриялик Э.Саксни, италиялик Ф.Ниттини, АҚШлик Э.Селигманни ва “Молия фани асос-лари” деб номланган асари 1869 йилда (1900 йилда – рус тилида) нашрдан чиқсан италиялик олим Л.Коссни киритиш мумкин. XX аср молиячиларининг қарашлари маҳсус адабиётларда етарли дара-жада баён қилинган. Биз учун эса, баъзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра, рус иқтисодий (молиявий) адабиётида “молия” тушунчасининг генезисини қўриб чиқиш ҳам маълум бир аҳамият-га эга.

Молия соҳасидаги баённинг биринчи рус муаллифи Иван Грозный даврида яшаган И.С. Пересветов ҳисобланади. У давлат-нинг ҳарбий кудратини кучайтириш мақсадида хазина даромадла-рини кўпайтириш ва давлат ресурсларини марказлаштиришнинг та-рафдори бўлган.

XVII асрдан бизгача Ю.Крижанич ва Г.Котошихинларнинг молия хусусидаги асарлари ҳам етиб келган. Ю.Крижанич ўз асар-ларида европалик муаллифларнинг иқтисод ва молияга оид қараш-лари ва мулоҳазаларидан кенг фойдаланади, уларни Россиянинг эҳтиёжларига “боғлайди”. У давлатнинг бойиши усулларига (маса-лаларига) жиддий эътибор қаратиб, уларни икки гурухга – “тўғри” ва “нотўғри” усулларига бўлади. Бу нарсаларнинг дунёда аллақачон маълум эканлиги ва уларнинг янгиларини ўйлаб топмаслик керак, деб ҳисоблайди.

Г.Котошихиннинг 1664 йилда ёзилган ва “Алексей Михайлович подшохлигидаги Россия тўғрисида” деб номланган асари ора-дан икки юз йил ўтгандан сўнг маълум бўлган. Унда XVII асрнинг ўрталарида Россияга тегишли бўлган катта маълумотлар келти-рилган.

XVIII асрнинг бошларида молия назариётчиларининг йирик вакили И.Посошков ҳисобланади. Унинг молия соҳасидаги такли-фини қуидагича ифодалаш мумкин: боқимандани ундираётган пайтда унинг тўловчисини хонавайрон қилмасдан, тўловчидан тў-ловни амалга ошириш муддатлари хусусида ёзма равишда мажбу-риятни олмоқ лозим.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида молия назарияси оид бир неча асрлар пайдо бўлди. Уларнинг орасида яққол кўзга ташлан-гани А.Поленовнинг “Россия деҳқонларининг крепостнойлик ҳола-ти хусусида” деб номланган асаридир. Бу асада Россияда илк бор “солиқ” атамаси ишлатилган, мулкий суғуртанинг зарур эканлиги исботланган, Россиянинг амалдаги солиқ тизими танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

А.Нарышкин 1767 йилда эълон қилинган ва “Иқтисод” деб номланган мақоласида солиқларга оид бир неча қизиқарли мулоҳа-заларни олдинга суради, солиқлар ва давлат ўртасидаги боғлиқ-ликни таҳлил қиласди.

Россияда “молия” атамасининг пайдо бўлиши XVIII асрга бо-риб тақалади. Бу атама рус тилига француз тилидан кириб келган бўлиб, қарийб яrim аср мобайнида “хазина” атамаси билан ёнма-ён ишлатилган. Биринчи марта Россия адабиётида “молия” илмий ту-шунчаси 1767 йилда Москва университети томонидан нашр этил-ган “Энциклопедиядан таржималар” китобининг сўзбошида ишлатилган. Бу ерда “молия” тушунчаси “давлат даромадларига те-гишли бўлган иш” деб талқин қилинган. Уни илмий муомалага би-ринчи марта Москва университетининг ҳукуқ бўйича профессори С.Десницкий киритган. 1802 йилда Молия вазирлигининг ташкил этилиши билан бу атама илмий муомалаларда мустаҳкам ўрин эгал-лай бошлади. Бироқ 1835 йилга қадар, яъни рус университетларида “Молиявий ҳукуқ” курси пайдо бўлгунча қадар молия мустақил фан сифатида эмас, балки сиёсий иқтисоднинг таркибий қисми си-фатида қаралган. Амалиётда эса, кўпроқ “хазина” атамаси ишлатилган.

А.Радищев ўзининг “Жон йифими хусусида” деб номланган асарида биринчи марта солиқларнинг моҳиятини, иқтисодий табия-тини, турларини тадқиқ этган.

Молия тўғрисидаги биринчи рус монографияси 1810-1811 йилларда Н.Тургенев томонидан ёзилган.

Молия соҳасидаги ўзига хос асарларга граф Сперанскийнинг молиявий режасини, молия назарияси бўйича биринчи русча асар ҳисобланган И.Горловнинг дарслигини, Ю.Гагемайстер, В.Кури, Д.Толстойларнинг молиянинг ривожланиш тарихига бағишиланган тадқиқотларини, М.Орловнинг давлат кредити тўғрисидаги ишла-рини киритиш мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярмида эълон қилинган ва молиянинг назарий масалаларига бағишиланган асарлар орасида И.Шилнинг монографияси алоҳида

ўрин эгаллайди. Унинг фикрича, молия на-зарияси давлат хазинаси ғоясига бўйсундирилган.

Рус фанида Ф.Мильгаузен биринчи марта молия ва молия фанини чегаралаб берган. У биринчилардан бўлиб, молиянинг пул-ли табиатидан воз кечган.

Молиянинг моҳиятини идрок этишда Д.Львов ўзининг ўтмиш-дошларидан анча илгарилақ кетган ва у молия дейилганда ресурс-лар ва бойликларни эмас, балки маълум бир ижтиомий муносабат-ларни тушунган.

XIX асрнинг охирларида В.Лебедев, И.Янжул, Л.Ходский, С.Витте ва И.Озеровлар асалари молия назариясини ривожланти-ришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Капитализм илк давридаги Россиянинг молия фани академик И.Янжулнинг асаларида ўз ифодасини топган. Унинг фикрича, молия фанининг предмети давлатнинг моддий эҳтиёжларини энг яхши қондириш усусларини тадқиқ этиш хисобланади.

Россия молия фанининг оёққа туришида проф. И.Озеровнинг хизматлари ҳам катта. У молияга нисбатан янгича ёндашувни асос-лаб берган. Унинг назарида молия восита ёки ресурс эмас, балки муносабатлардир.

Проф. Л.Ходский молия фанининг чегараларини бироз кен-гайтиради ва унинг таркибига пул муомаласи масалаларини ҳам киритади.

1882-1885 йилларда ўзининг “Молиявий ҳуқуқ” асалини нашр эттирган Санкт-Петербург университетининг профессори В.Лебе-дев ҳам молия назариясини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўш-ган. У молиянинг таркибига фақат пул даромадларини киритибгина қолмасдан, натурал солиқларни ҳам киритади, давлат харажатла-рини эса, унинг таркибидан чиқаради.

XX асрнинг бошларида молияга оид М.Боголепов, В.Твердо-хлебов, А.Буковецкий ва П.Гензелларнинг асалари пайдо бўлади.

Шўролар даврида молия фанининг тараққий этишида В.Дъяченко, А.Александров, А.Бирман, Э.Вознесенский, В.Чантладзе, Б.Болдырев, В.Родионова, П.Никольскийлар ўзига хос тарзда ён-дашганлар. Уларнинг асалари ҳозирги кунда ўз талабига эга бўл-маса-да, бизнинг фикримизча, кейинги йиллар тадқиқотчилари учун улар қизиқарли предмет бўлиши, шубҳасиз.

Молия генезисида (тараққиётида) ва унинг назарий масала-ларини тадқиқ этишда Ўзбекистонлик молиячи олимларнинг залво-ри, бальзи бир объектив ва субъектив сабабларга кўра, юқори бўл-маса-да, шундай бўлишига қарамасдан бу борада проф. Ҳ.Собиров, доц. Ҳ.Муратов, доц. Ҳ.Мухамедназаров, доц. Қ.Яҳъёев, проф. О.Олимжонов, проф. Т.Маликов, проф. Н.Ҳайдаров, проф. О.Ими-нов, проф. А.Жўраев, проф. М.Альмардонов ва бошқаларнинг қарашлари ҳам ўз ўрнига эга.

**З-мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар
шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ қилишнинг
устувор йўналишлари
Режа**

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ тизимнинг шаклланиши ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари
2. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари.

Калит сўзлар: бюджет-солиқ тизими, солиқ юки, бюджет харажатлари, жамланма бюджет, давлат мақсадли жамгармалари, пул-кредит тизими, стерилизация, қайта молиялаш ставкаси, очиқ бозор операциялари, валюта сиёсати.

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ тизимнинг шаклланиши ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

Бугунги кунда ҳукм сураётган ва тобора жиддийлашиб бораётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳар бир мамлакат ҳукумати олдига макроиктисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган изчил иктисодий сиёсатни юритиш вазифасини қўймокда. Бунда самарали иктисодий ўсишини рағбатлантиришга йўналтирилган фискал сиёсат юритиш масаласи марказий ўринга эга бўлмоқда. Шу билан бир қаторда умумий иктисодий муноzanатни таъминлашга йўналтирилган яхлит давлат сиёсати билан боғлиқ муаммолар ҳам айнан давлатнинг фискал сиёсати инструментларига боғлиқ бўлмоқда.

Ривожлаган мамлакатларда кузатилаётган молиявий иктисодий инқирознинг тобора кескинлашиб бораётганлигига қармасдан Республикамизда қузатилаётган барқарор иктисодий ўсиш суръатларининг таъминланишида олиб борилаётган изчил бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти ғоят юксакдир. Буни ўз навбатида кейинги йилларда кузатилаётган бюджет профицити, режалаштирилган давлат бюджети даромад қўрсаткичларининг орттириб бажарилаётганлиги, давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини янада ривожлантирилиши натижасида бюджет харажатларининг манзили ва мақсадли сарфланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2.1-жадвал.

Жамланма бюджет даромадларининг асосий параметрлари

| Асосий бюджет кўрсаткичлари | 2012 йил | 2013 йил | 2013 йилда жамига нисбатан %да |
|---|----------|----------|--------------------------------|
| Мақсадли фонdlарсиз давлат бюджети даромадлари | 20614,1 | 25104,9 | 69,4 |
| Максадли жамғармалар даромадлари | 10499,8 | 13571,9 | 32,7 |
| Молия вазирлиги хузуридаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари | 210,0 | 227,5 | 0,5 |
| Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари | 4747,6 | 2618,5 | 6,3 |
| Жами марказлашган жамғармалар | 36071,5 | 41522,8 | 100 |

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами марказлашган жамғармалар таркибида мақсадли фонdlарсиз давлат бюджети даромадларининг салмоғи 2013 йилда 69,4%ни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Бу ўз навбатида давлат фискал сиёсатида мақсадли фонdlарсиз давлат бюджети марказий ўринга эгалигини тасдиқлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ҳам аҳамият юқори бўлмоқда. Бу улар даромадларини шакланиш кўламида яққол намоён бўлади. Хусусан, мақсадли жамғармалар даромадлари 2012 йилда 10499,8 млрд. сўмга режалаштирилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткич 13571,9 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни самарли ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғарманинг даромадлари 2012 йилда 210,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу жамғарманинг даромадлари 227,5 млрд. сўмни режалаштирилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик ва стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислоҳотларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Унинг даромадларини сўмдаги эквиваленти 2013 йилда 2618,5 млрд. сўмни ташкил этилиши кўзда тутилган.

2.2-жадвал.

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари тұғрисида маълумот⁶

| Асосий бюджет күрсаткичлари | 2012 йил | 2013 йил | 2013 йил жамига нисбатан %да |
|--|----------|----------|------------------------------------|
| Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари | 20614,1 | 25104,9 | 100 |
| Шу жумладан: Бевосита солиқлар | 5196,4 | 6853,1 | 27,3 |
| Билвосита солиқлар | 11187,8 | 13039,4 | 51,9 |
| Ресурс солиқлари | 2746,4 | 3755,5 | 14,9 |
| Бошқа даромадлар | 1483,5 | 1456,9 | 5,8 |

Агар мақсадли фондларсиз давлат бюджетининг даромадлари 2012 йилда 20614, 1 млрд.сўмни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўсаткич 25104,9 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ тизими алоҳида аҳамият касб этади. Буни қуидаги жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкин.

Жами бюджет даромадларидаги салмоғи 51,9%ни ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу ҳолат шуни тасдиқлайдики, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларнинг фискал аҳамияти юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг том маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради. Буни қуидаги жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкин.

Давлат бюджети харажатлари давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг моддий мазмунини акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг кейинги йиллардаги таркибий таҳлиллари кўрсатадики, харажатлар номинал мазмунда (мутлақ кўрсаткичларида) ортиб бораётганлиги кузатишими мумкин. Лекин, унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғининг камайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу билан бир қаторда давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий химоялаш харажатларининг изчил равишда ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан кучли ижтимоий сиёсатнинг молиявий асосларини шакллантирилаётганлигини кузатишими мумкин. Буни қуидаги жадвал маълумотларидан қўришимиз мумкин.

⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори.

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбир харажатлари йил сайн ошиб борган. Кейинги 5 йил мобайнида жами бюджет харажатларининг таркибida ижтимоий соҳага қилинаётган харажатлар 2010 йилда 58,1%дан 2015 йилда 59,1%гacha ўсиб борган. Ушбу ҳолат ўз навбатида, жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида Республикаизда изчили амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг узоқ стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир. Шунингдек, ушбу харажатларнинг ўсиб бориши билан бирга улар давлат бюджети харажатлари таркибida энг юқори салмоқни ташкил этмоқда.

Иқтисодиёт харажатлари эса 2010 йилда 1561 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, жами бюджет харажатларида 11,5 фоизни ташкил этган. 2015 йилга келиб ушбу харажатларнинг жами давлат бюджети харажатларидағи салмоғи 10,1 %ни такил этган. Лекин ушбу харажатлар номинал мазмунда ўсиб борган.

1-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

| Кўрсаткичлар | 2010 йил | | 2011 йил | | 2012 йил | | 2013 йил | | 2014 йил | | 2015 йил | |
|--|--------------|------|--------------|------|--------------|------|--------------|------|--------------|------|--------------|------|
| | Млрд. сўм | % |
| Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм | 13550 | 100 | 16802 | 100 | 21190 | 100 | 26312 | 100 | 31582 | 100 | 37967,7 | 100 |
| Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-куватлаш харажатлари | 7864 | 58,1 | 9723 | 58,2 | 12338 | 58,3 | 15573 | 59,2 | 18873 | 59,7 | 22457,0 | 59,1 |
| Иқтисодиёт харажатлари | 1 561 | 11,5 | 1938 | 11,5 | 2338 | 11 | 2791 | 10,6 | 3385 | 10,7 | 4119,7 | 10,1 |
| Марказлашга н инвестицияларни молиялаштириш | 840 | 6,1 | 1037 | 6,1 | 1174 | 5,5 | 1300 | 4,9 | 1500 | 4,7 | 1800 | 4,7 |
| Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари | 486 | 3,5 | 627 | 3,7 | 844 | 3,9 | 825 | 3,1 | 1000 | 3,1 | 1199,9 | 3,1 |
| Бошка харажатлар | 2 798 | 20,6 | 3477 | 20,6 | 4495 | 21,2 | 5813 | 22,0 | 6903 | 21,8 | 8391,1 | 22,0 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2010 йилда 840 миллиард сўм, 2011 йилда 1037 млрд. сўм, 2012 йилда 1174 млрд. сўм, 2013 йилда 1300 млрд. сўмни ва 2014 йилда 1500 млрд. сўм, 2015 йилда 1800 млрд. сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

2012 йилги бюджет сиёсатида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондига 264 миллиард сўм, 2015 йилда эса ушбу жамғармага 494,9 млрд. сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу ҳам ўз навбатида таълим ва тиббиёт муассасаларини

модернизация қилиш орқали таълим ва солиқни сақлаш бўйича хизматлар сифатини янада юксалтириш, пировардида ахолининг интеллектуал салоҳияти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда давлат бюджети алоҳида аҳамиятга эга бўлаётганини тасдиқлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари фаолияти учун харажатлар жами харажатлар таркибида 2010 йилда жами бюджет харажатларини 3,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб бу харажатлар 3,1 фоизни ташкил этган. Демак, номинал мазмунда ушбу харажатлар қарийиб 2 баробардан кўп ўсган бўлса-да, уларнинг бюджет харажатларидағи салмоғи камайиб борган.

Юқоридаги жадвалдаги бюджет харажатлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани кузатилмоқда. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалардан ташкил топган. Буни қўйидаги жадвал маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин.

2- жадвал

Давлат бюджетидан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлар таркиби (прогноз)

| Кўрсаткичлар | 2010 йил | | 2011 йил | | 2012 йил | | 2013 йил | | 2014 йил | | 2015 йил | |
|--|--------------|------|--------------|------|--------------|------|--------------|------|--------------|------|--------------|------|
| | Млрд. сўм | % |
| Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари | 7864 | 100 | 9723 | 100 | 12338 | 100 | 15573 | 100 | 18873 | 100 | 22457,0 | 100 |
| Таълим | 4496 | 57,1 | 5604 | 57,6 | 7163 | 58,1 | 8984 | 57,6 | 10765 | 57,0 | 12776,2 | 56,8 |
| Соғлиқни сақлаш | 1720 | 21,8 | 2228 | 22,9 | 3027 | 24,5 | 3768 | 24,1 | 4495 | 23,8 | 5372,5 | 23,9 |
| Маданият ва спорт | 155 | 1,9 | 185 | 1,9 | 226 | 1,8 | 279 | 1,7 | 334 | 1,7 | 388,2 | 1,7 |
| Илм-фан | 82 | 1,1 | 109 | 1,1 | 139 | 1,1 | 173 | 1,1 | 199 | 1,0 | 245,3 | 1,0 |
| Ижтимоий таъминот | 59 | 0,7 | 72 | 0,7 | 87 | 0,7 | 107 | 0,7 | 125 | 0,7 | 150,4 | 0,6 |
| Оиласарларга ижтимоий нафақалар | 1314 | 16,7 | 1383 | 14,2 | 1624 | 13,1 | 1839 | 11,8 | 2047 | 10,8 | 2279,8 | 10,1 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларидан фойдаланилди.

Ушбу харажатларнинг таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, оиласарларга ижтимоий нафақалар асосий салмоқقا эга бўлмоқда. Хусусан, таълим соҳасига қилинаётган бюджет харажатлари 2010 йилда 4496 млрд. сўмни ташкил этиб, жами бюджет харажатларидағи улуши 57,1%ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич 2011 йилги жами бюджет харажатларида 57,6%ни, 2012 йилги жами бюджет харажатларида 58,1%ни, 2013 йилда мос равишида 57,6%ни, 2014 йилда мос

равища 57,0%ни, 2015 йилда эса ушбу харажатлар 56,8%ни ташкил этиши кўзда тутилган.

Аҳолининг турмуш даражасини ва уларнинг даромадларини изчил ошириш, яъни иш ҳақи, стипендия, ижтимоий нафақа ва пенсия миқдорини кўпайтириш йўли билан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими кучайтирилди.

2010-2015 йиллардаги давлат молияси тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича ислоҳотлардаги муҳим қадамлардан бири бу бир нафар ўкувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиқсан ҳолда мактабгача тарбия болалари муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартибини жорий этилганлиги ва 2010 йилдан бошлаб ушбу тартибни республиканинг барча ҳудудларидаги мазкур муассасаларга татбиқ этилгани ҳисобланади. Натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг ушбу элементи бюджет муассасаларининг молиявий мустақиллигини оширилишини таъминлаб харажатларнинг манзилли ва мақсадли сарфланиши учун шароит яратилишига олиб келмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг самарали натижаларига эришишда давлат бюджети харажатларининг ҳиссаси юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини жорий этилиши натижасида кейинги йилларда давлат бюджети профицит билан ижро этилмоқда. Бунда режалаштирилган бюджет харажатларини манзилли ва мақсадли сарфланишини таъминланиши натижасида харажатларнинг максимал иқтисод қилиниши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркибий таҳлилига асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдада янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорларини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга жаҳонда глобал масштабда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чоратадбирлар комплексини амалга оширишига йўналтирилмоқда.

Мамлакатмизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик муҳим begilariidan бири давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда давлат бюджети тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлса-да, солиқлар бўйича прогноз қўрсаткичларни ортиғи билан бажарилиши ҳамда давлат бюджети харажатларини манзили ва мақсадли сарфланишини таъминланиши натижасида давлат бюджети профицит билан ижро этилмоқда. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



2.2-расм. 2009-2012 йилларга давлат бюджетининг ҳолати тўғрисида маълумот⁷

Давлат бюджети 2009 йилда ЯИМга нисбатан 0,2 %лик профицит билан ижро этилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 0,4%ни ташкил этган. Бунда, даромад тушумари бўйича режа кўрсаткичларини оширилиб бажарилаётганини мухим ўрин эгаллайди. 2012 йилда давлат бюджети ижросининг ғазнасилик тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича исоҳотлар давом эттирилди. Хусусан, 2012 йилда барча даражадаги ҳудудий ғазна ҳисоб вараклари ўрнига ягона ғазна ҳисоб вараги жорий этилди. Бу ўз навбатида давлат молияси тизимидағи барқарорликни таъминланишига таъсир этувчи асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданоқ, миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этишни рағбатлантиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда асосий капиталага киритилаётган инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг қарийиб тўртдан бир қисмини ташкил этишида берилаётган солиқ имтиёzlари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлиб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда

⁷Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмиrlаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

2. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари⁸.


Молия-банк тизимида амалга оширилган кенг қамровли чора-тадбирлар аҳамиятли натижаларни қўлга киритиш имконини бермоқда.

Пул-кредит соҳасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларига мувофиқ иқтисодиётнинг ошиб бораётган пулга бўлган талабини тўлиқ қондириш ва банк тизими ликвидлигини мақбул даражада сақлаб туриш орқали инфляция даражасини белгиланган прогноз кўрсаткичидан оширмаслик мақсадларига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда Марказий банк ўз тасарруфидаги пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланди.

Ўз навбатида, Марказий банк томонидан амалга оширилган пул бозоридаги операциялари муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлигини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлашга қаратилди.

Шунингдек, 2013 йил давомида ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси ва банк тизими соф ташқи активларининг қўпайиши ҳисобига шаклланган қўшимча ликвидликнинг инфляцион босимга таъсирини олдини олиш мақсадида ўтказиб борилган стерилизация операцияларининг ўртacha ҳажми 2012 йилга нисбатан 1,2 марта ошди (**1-диаграмма**).




Мажбурий резервлар. Мажбурий резерв талаблари тижорат банкларининг кредит ресурслари миқдорига таъсир кўрсатиш орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишида пул-кредит сиёсатининг мухим инструментларидан бири сифатида қўлланилмоқда (**2-диаграмма**).

⁸ Ушбу параграф Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интернетдаги расми сайтида берилган ҳисбот маълумотлари асосида тайёрланди.

Хусусан, 2013 йил давомида инфляция ва пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳамда тижорат банкларида узок муддатли ресурс базасини янада кенгайтириш мақсадида диверсификацияланган мажбурий резерв нормалари қўлланилиб, тижорат банклари томонидан жалб қилинган юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунча ва 1 йилгача бўлган муддатли депозитлари учун – 15 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун – 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан қолдирилди.

2013 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий резервлари ҳажми 463,1 млрд. сўмга ёки йил бошига нисбатан 25,2 фоизга кўпайди.



Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобвараfiga қўшимча равишда 1,2 млрд. доллар миқдоридаги маблағлар йўналтирилиши пул массасининг белгиланган прогноз кўрсаткичидан ортиқча ўсишининг олдини олишга ва шу орқали ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг **қайта молиялаш ставкаси** инструментидан ҳам пул бозоридаги фоиз ставкаларини бошқаришда ҳамда иқтисодий ўсиш жараёнларини рағбатлантириш мақсадида фойдаланилди.

Инфляция даражаси, пул массаси ҳажмининг, иқтисодиётнинг кредит ресурсларига бўлган талабини етарли даражада қондириш ва бошқа макроиктисодий кўрсаткичларнинг 2013 йилга белгиланган мақсадли параметрларидан келиб чиқиб, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2013 йил мобайнида йиллик 12 фоиз миқдорида сақлаб турилди.

Қайта молиялаш ставкасини шу ҳолатда ушлаб турилиши пул бозорида молиявий ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг мувозанатини сақлашга, реал сектор корхоналарининг инвестицион имкониятини оширишга, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва айни пайтда тижорат банклари ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилди.

2013 йилда республикадаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ҳамда Марказий банк томонидан қатъий монетар сиёсатининг юритилиши, ўз

навбатида, мамлакатимизнинг пул ва молия бозорларидағи фоиз ставкалари динамикасида, жумладан, тижорат банкларининг кредитлари ва депозитлари бўйича ҳамда банклараро кредитлар бўйича фоиз ставкаларида ўз аксини топди.

Хусусан, 2013 йил давомида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар даромадининг ошиши ҳисобига республикамиздаги молия институтлари ресурс базасининг кенгайиши банклараро пул бозоридаги ресурслар таклифининг қўпайишига ва ўз навбатида, молиявий ресурслар нархининг арzonлашишига сабаб бўлди.

Жумладан, 2012 йил давомида банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича ўртacha тортилган фоиз ставкаси йиллик ҳисобда 10,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 9,9 фоизга teng бўлди.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ва унга мос равишда аҳоли даромадларининг йилдан-йилга юқори суръатлар билан ўсиши, банк тизимиға бўлган ишончнинг ортиб бориши ҳамда иқтисодиётдаги инфляцион кутилмаларнинг пасайиб бориши каби омиллар таъсирида 2013 йилда банк депозитлари бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши кузатилди.

Хусусан, жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидағи жами депозитлари бўйича ўртacha тортилган фоиз ставкаси 2012 йилдаги ўртacha йиллик 7,7 фоиздан 2013 йилда 7,1 фоизгача пасайди.

Юридик шахсларнинг жамғарма ва муддатли депозитлари бўйича ўртacha тортилган фоиз ставкалари 2012 йилдаги ўртacha йиллик 6,2 фоиздан 2013 йилда 6,0 фоизгача пасайди.

Шунингдек, банклараро пул бозоридаги операциялар ҳамда депозитларни жалб қилиш бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида тижорат банкларининг актив операциялари бўйича, жумладан, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайиши кузатилди.

Жумладан, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори субъектларига ажратилаётган кредитлар бўйича ўртacha тортилган фоиз ставкаси 2012 йил декабрь ойида 13,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 13,0 фоизгача пасайди.

2013 йилда валюта сиёсати унинг асосий тамойиллари, яъни миллий валютамиз сўмнинг алмашув курси барқарорлигини ҳамда ички валюта бозорида талаб ва таклифнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор инфляцион жараёнларни жиловлашга, миллий валюта алмашув курси кескин тебранишларининг олдини олишга ҳамда экспортни қўллаб-куvvatлашга қаратилди.

Ўз навбатида, валюта алмашув курсининг ўзгариб борувчи бошқариладиган усулини қўллаш орқали алмашув курсининг мақсадли коридор доирасида бўлиши таъминланди. Экспортни рағбатлантириш мақсадида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курсини босқичма-босқич пасайтириш чоралари кўрилди.

Натижада 2013 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курси 11,0 фоизга пасайиб, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, бир АҚШ доллари 2202,20 сўмни ташкил қилди.

Мамлакатимиз ташки савдо операцияларининг 95 фоизга яқини АҚШ долларида амалга оширилишини инобатга олиб, сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курсларини белгилашда операцион мўлжал сифатида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсидан фойдаланилди.

Шунга мувофиқ, сўмнинг АҚШ долларидан бошқа хорижий валюталарга нисбатан алмашув курслари ушбу валюталарнинг ташки валюта бозорларидаги АҚШ долларига нисбатан курслари динамикаси ва ички валюта бозорида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси таъсири остида шаклланди.

Олиб борилган валюта сиёсати таъсирида сўмнинг алмашув курси еврога нисбатан 15,7 фоизга, Хитой юанига нисбатан 14,2 фоизга, фунт стерлингга нисбатан 13,1 фоизга пасайиб, экспортни рағбатлантиришга хизмат қилди.

2013 йилда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар» Дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди. Жумладан:

- банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини янада ошириш мақсадида улар капиталлашувини ошириш, ресурс базасини кўпайтириш ва активлар сифатини яхшилаш, банк соҳасига хусусий капитални кенг жалб этиш;

- республика тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва банк назорати тизимини Банк назорати бўйича Basel қўмитасининг янги талабларидан келиб чиқсан ҳолда халқаро андозалар асосида такомиллаштириб бориш;

- мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш ва ушбу даражаларга эришиш тадбирларини амалга ошириш;

- иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган банк кредитлари ҳажмини янада кўпайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар бандлигини оширишга қаратилган бизнес-ложиҳаларни молиялаштиришга кредитлар ажратиш ҳажмини ошириш;

- халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

2013 йилда банк тизимида амалга оширилган изчил ва аниқ мақсадли ислоҳотлар банклар капиталлашув даражаси ва депозит базасининг юқори суръатларда ўсишига имкон берди ва натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиб, молиявий воситачилик роли кенгайди ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари сифати янада ошиди.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимиға асосан таҳлил қилинганда, банк тизимининг барча кўрсаткичлари «юқори даражада»ги индикатор баҳоларига мувофиқ келмоқда.

Жумладан, 2013 йил бўйича банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси **24,3** фоизни ташкил этди. Бу эса, Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро меъёрдан **3 баробар** юқоридир.

Банк тизими барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ликвидлик даражаси 2013 йилда ҳам **65** фоиздан юқори даражада сақланиб қолаётганлиги ва ушбу кўрсаткичининг талаб этиладиган минимал даражадан **2,2 баробар** ортиклиги мамлакатимиз банк тизимининг мустаҳкамлигини ҳамда ҳар қандай ташқи ва ички салбий таъсирларга тўла бардош бера олишини тасдиқлайди.

Банклар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш индикаторлари, жумладан, банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ҳар 100 минг (катта ёшли) аҳолига тўғри келадиган банк муассасалари сони 49,7 тани ташкил этиб (30 тадан кўпи юқори баҳога тўғри келади), «юқори даражада» ва ҳар мингта катта ёшли аҳолига тўғри келадиган жисмоний шахс-омонатчилар ҳисобварафи сони 1028 бирликни ташкил этиб, бу бўйича ҳам (1000 тадан кўпи) «юқори даражада» баҳоларига мувофиқ келмоқда.

Шунингдек, юқоридаги қарор талаблари бўйича республика банк тизимида депозитлар ҳажми динамикаси, кредит қўйилмалари ҳажмининг ўзгариши каби индикаторлар ҳам юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори асосида 2012 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий этилган, ҳудудларда ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси, шу жумладан, молия-банк соҳаси фаолиятини баҳоловчи индикаторларнинг ҳар чоракдаги таҳлили натижалари тижорат банкларининг ҳудудлардаги филиаллари кўрсаткичларининг юқорилигини кўрсатди.

2013 йилда тижорат банкларининг республика ҳудудларидағи филиаллар тармоғи янада кенгайиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларнинг сони 837 тага етди.

Банк муассасаларини аҳоли ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳудудларига яқинлаштириш орқали банк хизматларидан фойдаланиш шароитларини янада қулайлаштириш мақсадида ташкил этилган минибанк ва маҳсус кассалар сони ўтган йилда 66 тага кўпайиб, уларнинг сони 4196 тага етди, шундан 2156 таси қишлоқ жойларида жойлашган.

Бундан ташқари, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни бевосита аҳоли яшаш жойларига бориб қабул қилувчи 505 та ихтисослаштирилган кўчма касса фаолияти йўлга қўйилди.

Республикамиздаги тижорат банклари билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда хорижий йирик банкларнинг 6 та ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Банк инфратузилмасининг кенгайиб бораётганлиги, ўз навбатида, молия бозорида ракобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизматлари сифатининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

2013 йилда банклар капиталлашуви оширишнинг барча воситаларидан самарали фойдаланиш, жумладан, қўшимча акциялар ва қарз қимматли қоғозларини чиқариш ҳамда жойлаштириш орқали аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб қилиш кўламларини кенгайтириш натижасида тижорат банкларининг умумий капитали ҳажми 2012 йилга нисбатан **25** фоизга ошиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, **6,5** трлн. сўмдан ошди. Бунда тижорат банкларининг устав капиталини янада ошириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва уларда белгиланган тадбирлар ижросининг таъминланганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Хусусан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 мартағи «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1945-сонли Қарорига мувофиқ, «Микрокредитбанк»нинг устав капитали 40 млрд. сўмга;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 мартағи «Ўзбекистон саноат-қурилиш банки» очиқ акциядорлик-тижорат банки капиталлашув даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 83-сонли Қарорига мувофиқ, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг устав капитали 152 млрд. сўмга оширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 16 майдаги «Агробанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки капиталлашув даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1966-сонли Қарорига мувофиқ, 2013-2014 йилларда «Агробанк»нинг устав капиталини 123,8 млрд. сўмга ошириш белгиланди ва шундан 2013 йилда 94,1 млрд. сўмлик маблағлар «Агробанк» устав капиталига йўналтирилди.

Умуман олганда, 2013 йилнинг ўзида тижорат банкларининг устав капиталини ошириш мақсадида жами 534,5 млрд. сўмлик қўшимча акциялар инвесторлар орасида жойлаштирилди.

Бунда муомалага чиқарилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми «Тошкент» республика фонд биржаси орқали бирламчи очиқ савдоларда жойлаштириб борилди.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор мавқеи банк тизимиға бўлган ишончнинг, хусусан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк депозитларида сақланаётган бўш пул маблағлари ҳажмининг барқарор юқори суръатларда ошиб боришига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли даромадларининг барқарор ўсиб бораётганлиги, аҳолига хизмат кўрсатишнинг услуг ва механизмларининг такомиллашиши, омонатларнинг ишончли сақланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда аҳоли омонатлари тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги тижорат банклари ресурс базасининг мунтазам равишда ошиб боришини таъминламоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банкларида депозитлари умумий ҳажми 2013 йил бошига нисбатан **30,2** фоизга ортиб, 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, **26,1** трлн. сўмга етди.

Шунингдек, банкларда узоқ муддатли ресурс базасини шакллантириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилишдаги молиявий воситалардан бири ҳисобланган банк қимматли қофозларини муомалага чиқариш ишлари ҳам жадаллаштирилди.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар орасида жойлаштирилган тижорат банкларининг депозит ва жамғарма сертификатлари **592** млрд. сўмни, шунингдек, инвесторлар орасида жойлаштирилган тижорат банкларининг узоқ муддатли облигациялари **330** млрд. сўмни ташкил этди.

Айни вақтда банк-молия хизматлари қўламини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакли – банк пластик карточкалари муомаласини кенгайтириш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра:

- муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони **11** млн. донани;
- чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминаллари сони қарийб **129,7** мингтани;
- ўрнатилган инфокиоск ва банкоматлар сони **1733** тани ташкил этди.

Ўз навбатида, 2013 йил давомида пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2012 йилдагига нисбатан **1,4** баробарга ошиб, **16,3** трлн. сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга, «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолиятини такомиллаштириш ва самарали ташкил этиш мақсадида Марказий банк хузуридаги Ахборотлаштириш бош марказида «Банклараро универсал неттинг ахборот тизими» дастурий мажмуаси ишга туширилди.

Шу муносабат билан «Ўзкарт» тизимида ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк вазифалари Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Банклараро ҳисоб-китоб марказидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Клиринг марказига ўтказилди.

Тижорат банкларининг ўзаро мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларнинг Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобвараклари орқали амалга оширилиши ҳисоб-китоб операцияларини ўтказиш муддатларининг қисқаришига ва тўлов тизими транзакцион харажатларининг

камайишига олиб келди ҳамда тижорат банклариға ўз маблағларидан янада самаралирөк фойдаланиш имкониятини берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланувчилар, жумладан, банк ҳисобварагларини масофадан бошқариш тизимларидан («банк-мижоз», «интернет-банкинг», «мобил-банкинг», «SMS-банкинг») фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда.

2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банк ҳисобварагларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 250 мингтадан ортди. Шундан, «интернет-банкинг» ва «банк-мижоз» дастурий мажмуаси хизматларидан фойдаланувчилар сони 75 мингтани ташкил этиб, уларнинг сони 2013 йил бошига нисбатан 2,3 баробарга кўпайди.

Банклардаги депозитлар базасининг янада мустаҳкамланиши ва умумий капиталнинг оширилиши банкларнинг кредитлаш ва инвестициялар имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишига имкон бермоқда.

Бунинг натижасида тижорат банкларининг жами активлари ҳажми 2013 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 30 фоизга ошиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, **43,9** трлн. сўмни ташкил этди (**3-диаграмма**).

Шужумладан, тижоратбанкларининг кредитқўйилмалари умумий ҳажми 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан 30 фоизга ошиб, 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, **26,5** трлн. сўмни ташкилэтди. (**4-диаграмма**).

Банкларнинг инвестицион кредитлари устуворравиша «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш», «2013 йилги Инвестиция дастури» ҳамда тармоқларни модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган лойиҳаларни қўллаб-куватлашга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан минитехнологияларни сотиб олишни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.



Республика банк тизимидағи ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳам тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг етарлилигини таъминлашдан иборатdir. 2012 йилда республика банк тизимида асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чоратадбирлар” Дастури ҳамда республика молия-банк тизимини ривожлантиришга оид бошқа хужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилди, жумладан:

- банк назорати тизимини янада такомиллаштириш, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини татбиқ этиш билан боғлик тадбирларни давом эттириш;

- мамлакат банк тизими ва тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан қўлланиладиган меъёр, андоза ва кўрсаткичлар асосида баҳолаш амалиётини кенгайтириш;

- тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали янада ошириш;

- тижорат банклари активларини, шу жумладан, уларнинг инвестицион фаоллигини ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жихозлаш бўйича лойиҳаларни кредитлаш ҳажмларини ошириш;

- тижорат банклари балансига олинган иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш, улар базасида ташкил этилган янги корхоналарни стратегик инвесторларга сотиш ишларини янада фаоллаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари, бошланғич капитални шакллантириш учун узок муддатли кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш;

- халқаро андозалар ва тамойиллар ҳамда мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги реал ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда молия-банк соҳасининг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ва ликвидлилигининг оширилиши натижасида пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлаш учун барқарор ресурс базаси шакллантирилади.



Тижорат банклари олдига 2012 йил учун белгилаб берилган устувор вазифалардан асосийси ҳам банкларнинг барқарорлигини ва капиталлашув даражасини янада ошириш, етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезон ва стандартларга асосланган холда, банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш белгиланган эди. Ушбу вазифалар доирасида тижорат банкларининг умумий капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали 2011-2015 йилларда ўртача 2,1 мартаға ошириш белгиланган эди. Натижада банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиш кўрсаткичлари, халқаро индикаторлар асосида таҳлил қилинганда, юқори даражадаги баҳоларга мувофиқ келади. Тижорат банклари томонидан 2012 йил давомида 500 млрд. сўмлик қўшимча акциялар чиқарилди. Муомалага чиқарилган акцияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган қисми “Тошкент” республика фонд биржаси орқали бирламчи очик савдоларда жойлаштирилди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 17 та тижорат банкининг акциялари “Тошкент” республика фонд биржаси листингига киритилган бўлиб, ушбу банкларнинг қимматли қофозлари мунтазам равишда биржада котировка қилиниб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб борилмоқда. Натижада 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгти уч йилда эса икки баробар кўпайди.


Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ тизимнинг шаклланиши ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
2. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишларини айтиб беринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.– Т.: Ўзбекистон, 2014. - 29 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2013 йил 24 декабрдаги 2099-сонли қарори
3. Вахобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. -Тошкент: “Ношир”, 2012 й.- 712 б.

ТАКДИМОТ



1. Молия тизими ва унинг трансформаллашуви.



Замонавий молия:
(а) мазмуни;
(б) ҳозирги глобаллашув шароитидаги янги чақирикларда (*in new challenges*) унинг ўрни.

ДИСКУССИОН МАСАЛАЛАР


Молиянинг иқтисодий можияти ва "Молия" категориясини намоён бўлишининг ташки шакли.

"Молия" тушунчаси ва молиявий муносабатларнининг пайдо бўлиши ҳамда молиявий муносабатларни ташкил этишининг хуқуқий асослари.

"Молия", "Молиявий ресурслар", "Молия тизими" тушунчаларнининг амалиётдаги солиштирилиши.



Молиянинг неоклассик назарияси



2. Молия тизиминининг бўғинлари.



МОЛИЯ ТИЗИМИ

Ж.Ван Хорн: Молия тизими - давлат, фирмалар ва фукароларга турли хил хизматлар кўрсатувчи молиявий муассасалар ва бозорларнинг маъмуси.


З.Боди, Р. Мертон: Молия тизими – бу молиявий шартномалар, активлар ва рисклар алмашинш жарайёнида иштирок этувчи бозорлар ва бошقا институтлар маъмусидир.

Л.Дробозина: «Молия тизими - пул маблағлари фондини ташкил килиш ва фойдаланиш жарайёнидаги молиявий муносабатларнинг турли соҳаларини маъмусиданиборат.

Г.Полик: молия тизими - давлат, хўжалик субъектлари ва уй хўжаликларининг пул маблағлари фондини турли хил усуслар ва шаклларда тақсимлаш жарайёнидаги турли молиявий муносабатлар маъмуси.

Т.С. Маликов: ...турли пул фонdlаридан шакланнадиган ва фойдаланилдиган молиявий муносабатларнинг турли соҳалари маъмугига молия тизими дейилади.





Маълумки, 2008 йилда расман бошлангани маълум этилган жаҳон молиявий-институтий инкирорзи АҚШ ипотекали кредитлаш бозоридаги дефолтдан бошланган бўлса, инкирорзининг иккинчи тўлиқини молия тизиминининг яна бир муҳим бўгини бўлган давлат молияси тизимидағи сурункали бюджет такчиллиги ва давлат қарзлари билан боғлик глобал муаммоларнининг кескинлашувидан бошланди,

Жаҳон молия тизимининг долзарб муаммолари:

- 1.** Халқаро савдо ва капиталлар харакатидаги дисбаланснинг ханузгача сақланиб қолинаётгандиги.
- 2.** Кейинги йиллarda олиб борилган монетар сиёсатнинг салбий таъсирининг давом этиши (Кредит экспансияси сиёсатининг натижада АҚШда вужудга келган ипотека кредитининг салбий таъсирининг давом этиши).
- 3.** Молиявий институтлар капиталлари ва улар бошқарадиган активлар ўртасидаги дисбаланс муаммосининг авж олиши.
- 4.** Молиявий глобалашув ва назорат талабларининг пасайиши натижасида молиявий сектор концентрацияси глобал даражада ортди. Жаҳон молия бозори капиталлашув даражасининг ортиши ва унда ююри рискли активлар билан керагидан ортиқча даражада тўйинди.
- 5.** Давлатлар томонидан олиб борилган қарз сиёсати ва унинг натижасида қарздорлик муаммосининг авж олиши.

6. Геополитикодиёт ва АҚШнинг долларни резерв валюта сифатидаги статусини сақлаб қолиш сиёсати.

7. Айрим ресурсларнинг глобал масштабдаги тақиличигининг авж олиши натижасида, уларнинг бозорлардаги конюнктурасининг ўзгариши турли мамлакатлар миллӣ молия тизимига таъсири (Масалан, энергетика ресурсларнинг бозордаги нархларнинг аномал даражада ўсиши).

8. АҚШ молия тизими дунёнинг бошқа мамлакатлари ишончли актиларга инвестициялаш учун "Катта Швейцария хизмати"ни ("BIG SWISS CERVISSE") кўрсатар эди. АҚШдаги инкирор ўзига хос равишда бошқа мамлакатларга тез трансформация бўлиши шу билан бевосита боғлиқдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози:

1. Инқирознинг биринчи тўлқини (фазаси).

2. Инқирознинг иккинчи тўлқини (фазаси).

Жаҳоннинг айрим мамлакатларининг 2013 йилги иқтисодий кўрсаткичлари

| | Мамлакатлар | ЯИМ (С. МЛН.) |
|----|---------------|---------------|
| 1 | Жаҳон ЯИМ | 72 440 449 |
| 2 | АҚШ | 16 244 600 |
| 3 | Хитой | 8 227 103 |
| 4 | Япония | 5 959 718 |
| 5 | Германия | 3 428 131 |
| 6 | Франция | 2 612 878 |
| 7 | Буюк Британия | 2 471 784 |
| 8 | Бразилия | 2 252 664 |
| 9 | Россия | 2 014 775 |
| 10 | Италия | 2 014 670 |
| 74 | Хиндостон | 1 841 717 |
| | Узбекистан | 51 113 |

Жаҳон иқтисодиёти

* ХВФ Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати прогнозини яна пасайтириди.

* Ушбу пасайиш асосан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги пасайишга тўғри келади.

* Ўтган йилда прогноз бўйича ўсиш 3,1% ташкил этади.

* 2013 йил апрел ойидаги ўсишнинг прогноз кўрсаткичи 3,3% ташкил этиши белгиланган эди.

* Углеводород экспорт Қилювчи мамлакатлар молия тизимининг боғлиқлигининг ўсиши


| Кўрсаткичлар | 2013 прогноз | 2014 прогноз |
|----------------------------|--------------|--------------|
| Ривожланган мамлакатлар | 1,2 | 2,1 |
| Ривожланаётган мамлакатлар | 5,0 | 5,4 |
| Жаҳон иқтисодиёти | 3,1 | 3,8 |

Дунёning кўплаб етакчи мамлакатларида давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси деярли ҳал этилмасдан қолмоқда, реал иқтисодиётда ишлаб чиқариш пасайиб бормоқда, жаҳон бозорида харид талабининг камайиши давом этмоқда, ишсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда.

Ислом Каримов «Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъяят билан давом эттириш»

Давлатлар бюджетидаги дефицит ва қарздорлик муаммоси.

- 2.1. АҚШ ва Европа мамлакатларидағи қарздорлик муаммоси.
- 2.2. Қарзга асосланган иқтисодиёт “Levered Economy”
- 2.3. ФЗТнинг QE₃ механизми



* Дунёning энг йирик давлатлари марказий банклари томонидан реал активлар билан деярли таъминланмаган пулларни чиқариш давом этаётгани, шунингдек, сунъий молиявий воситалар - деривативларнинг назоратсиз чиқарилаётгани кўпялаб нуфузли халқаро таҳлил марказлари ва эксперталарда жиҳдий ташвиш уйғотмоқда.

* Молия ва банк бозорини ортиқча ликвидлик билан тўлдириш, бундай смёсатни давом эттириш улкан спекулятив “кўпиклар” ҳосил бўлиши, захира валюталари ва миллий валюталарнинг қадарсизланиши, инфляция даражасининг ўсиш хавфини туғдирмоқда.

Ислом Каримов «Бош мақсадимиз - кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш»

| Size of global financial markets | | | | | |
|----------------------------------|-----------------------------|------------------------|----------------------|----------------------|----------------------|
| | | In bn. of US\$, 2006 | | | |
| | | World | USA | EU | Japan |
| Total | | 608,752.7 (1256.8%) | | | |
| Derivatives | (notional) | 414,290.0 (855.3%) | | | |
| | (market values) | 9,682.0 | | | |
| Subtotal | | 194,462.7 (401.5%) | 56,822.0 (430.6%) | 73,983.7 (541.7%) | 20,109.5 (459.4%) |
| | Stock market capitalization | 50,826.6 | 19,569.0 | 13,068.8 | 4,795.8 |
| | Debt securities | 69,200.9 | 27,050.1 | 23,192.3 | 8,723.7 |
| | Bank assets | 74,435.2 | 10,202.9 | 37,736.32 | 6,590.0 |
| Total reserves minus gold | | 5,091.5 | 54.9 | 252.7 | 879.7 |
| GDP | | 48,434.4 | 13,194.7 | 13,658.0 | 4,377.1 |

Source: IMF Global Financial Stability Report, April 2008




ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ:

1. Дастлаб ЕИга аззо мамлакатлар молия тизими(банк,солик ва бюджет тизими) тизими назорат қулуви органлар шаклантарилиши зарур эди. Шундан сүнг умумий кредит-пул тизими жорий этилиши зарур эди. Ҳозирги шароитда Еврокомиссия ва ЕМБ Евроудуд иқтисодиёти ва молия тизими реал башкария имкониятiga эга бўлмалти. Натижада унинг европни милий валюта сифатида қабул қрган мамлакатлардаги молиявий ҳолатни назорат қилиш имконияти мавжудэ мас.
2. ЕМБ томонидан олиб борилётган сиёсан ҳам асосан евромууд таржибадиги кучли мамлакатларга қаратилган. Бошқа мамлакатларнинг эҳтиёжлери ва ривоҷланиш хусусиятлари умумий ёрор қабул қилишида таъсир кучига эга бўлмади. “Зайф бўгин” хисобланган мамлакатлар Еврокомиссия томонидан эълон қилинганшартларни тўлиқ бажариш имкониятига эга эмас эдилар. Натижада ушбу мамлакатлар бюджет мувознатини таъминлашга йўналтирилган ЕИ қоидаларини бузу бошладилар. Масалан, Греция евромуудга аззо мамлакатлар томонидан имзолаган “Баркорорлик Пакти”, бюджет интизоми бўйича белгиланган чегарадан чечта чиқа бошлади.
3. Бюджет тақчиллгини чеклаш сиёсати. Лиссанон шартномасига ўтганий риоя этиш ва “Бюджет пакти”- давлатлараро молиявий интизомни кучайтириш бўйича келишув(2011 йил декабр ойидаги Саммит).

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ(давоми):

4. Давлат ҳаражатларини қисқартириш иқтисодиётдаги умумий ўсишни секинлашувiga олиб келди (Грецияда 100000 корхона ётилди, қарийб 30% ахоли ночор, Иқтисодий ўсишнинг пасайини аксарият европа мамлакатларида ишсизликни 10%дан ортишига олиб келди).
5. Греция 2010 йил апрел ойида содир бўлиши кутилган дефолт кутулиши мақсадида Европа комиссиясига мурожат қилди. Европа комиссияси, ЕМБ ва ХФ 240 млрд ёвро миқдоридаги кредитни тақдим этиш мажбурятини олди. Бунинг учун Греция хукумати одигига бюджетни иқтисод қилиш сиёсатини олиб бориш бўйича қаттиқ шартлар белгилади. Пироварднатижада уй хўжаликлари иқтисодига жиддий таъсир кўрсатди.
6. Европа иттифою мамлакатларида олиб борилган кредит экспансияси сиёсати натижасида банк тизимида глобал ликвидлик муаммоси вујудга келтириди. Танникли молиявий шарқлоевчи Эмброза Эванса-Пригчардининг таъкидлашича европа банклари нормал даражага чиқиши (АҚШ ва Япония банклари дражасига) учун қарийб 7 триллион берилган кредитларини қайтарishi лозим.
7. Европа марказий банки муаммоли мамлакатлар қарзларини асосланмаган пул змиссияси хисобига молиялаштиришдан боштормоқда.

Европа мамлакатларида давлат қарзларининг ҳолати





Европа молиявий баркарорлатириш фонди!

| Страна | Годеныйнс объектитас жыл С | Паралельные яланы | | Чекинные яланы | |
|---------------------------|----------------------------------|-------------------|----------|----------------------------------|-----------|
| | | Даты | С чек | Годеныйнс объектитас жыл С | Даты |
| Алжир | 12 347,43 | 2,75 % | 1 454,55 | 21 659,19 | 2,7750 % |
| Боливия | 15 281,15 | 1,40 % | 1 424,71 | 27 031,99 | 1,4466 % |
| Бразилия | 119 390,07 | 27,12 % | 1 454,57 | 21 045,20 | 27,0547 % |
| Болгария | 12 357,70 | 2,55 % | 1 099,90 | 21 597,14 | 2,5502 % |
| Боливарская Республика | 7 002,40 | 1,59 % | 1 549,97 | 15 378,15 | 1,5874 % |
| Болгария | 55 355,51 | 11,90 % | 1 141,75 | 92 542,35 | 11,8875 % |
| Болгария | 70 784,72 | 17,91 % | 1 211,10 | 129 287,81 | 17,8590 % |
| Болгария | 563,09 | 0,02 % | 1 078,65 | 1 525,85 | 0,1987 % |
| Болгария | 1 101,39 | 0,23 % | 2 329,25 | 1 946,94 | 0,2497 % |
| Болгария | 598,44 | 0,09 % | 925,85 | 704,32 | 0,0902 % |
| Болгария | 23 142,55 | 5,77 % | 1 923,60 | 44 446,35 | 5,7950 % |
| Болгария | 11 025,35 | 2,51 % | 1 037,96 | 19 307,25 | 2,5016 % |
| Болгария | 4 271,34 | 0,99 % | 207,99 | 7 727,37 | 0,9910 % |
| Болгария | 2 072,92 | 0,47 % | 1 029,51 | 2 664,30 | 0,4699 % |
| Болгария | 7 926,30 | 1,80 % | 1 404,51 | 13 976,01 | 1,7920 % |
| Болгария | 89 457,45 | 20,35 % | 1 395,60 | 108 487,35 | 20,3340 % |
| Болгария | | | | 1 994,85 | 0,2355 % |
| Болгария (ИК) Аса | 440 000,00 | 100 % | 1 339,02 | | |
| Болгария (ИТ) | | | | 779 783,14 | 100 % |

Умумий хуласалар

1. Глобаллашув жараёнлари молия тизимининг умумий трасформаллашувига таъсир этмоқда. Молия тизимида давлат молияси молиялаширишнинг етакчи сегменти бўлган бўлса, кейнинг йилларда ушбу тенденцида етакчилик молиявий бозорларга ўтди.

2. Кейнинг йилларда жаҳон иктисодиёти ва ҳар бир мамлакатларда иктисодий мувозанатни сақлашга каратилган молиявий сиёсат асосан глобал талаб ва тақлифни рагбатлантиришга йўналтирилган. Лекин, олиб борилаётган молиявий сиёсат глобал иктисодий ўсишини таъминлашда жиддий таъсир кучига эга эмас.

3. Аксарият мамлакатлар молия тизими баркарорлиги чекланиб борилаётган айрим ресурслар бозорларидаги конюнктурага боғлик бўлмокда.

Умумий хуласалар

4. Молия тизимида етакчи мавкега эга бўлган молияй бозорлар юкори рискини активлар билан ҳаддан зиёд юкори даражада тўйинган.

5. Интеграцион жараёнларнинг содир бўлиши натижасида вужудга келган “Валюта тизимининг байналмиллашуви” натижасида вужудга келган тизимнинг баркарор ишлаши билан боғлик муқаммал назорат тизимини таъминланмаслиги натижасида ушбу тизимларнинг баркарор тарафий этишига салбий таъсир этмоқда.

6. Инкизозлар шундай хуласага олиб келмоқдаки, ҳалкаро иктисодий баркарорликнинг мустажхам тизими шакллантирилмаган. Натижада глобал иктисодий маконнинг издан чикиш рискининг юкори даражаси сакланиб колмоқда.



ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИОЛӢ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛарНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ТИЗИМИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА
ТАҚДИМОТ

2-мавзу. Молия генезиси (тараккнёти).

Маъruzachi: проф. Ш. Шоҳазамий

2015 йил

Режа

1. Турли ижтимоий-иқтисодий тузумлар шароитида молия тизимининг амал қилиш хусусиятлари
2. Молия- тарихий категория сифатида.
3. Молия ҳакидаги фанинг тараққиёти

1. Турли ижтимоий-иқтисодий тузумлар шароитида молия тизимининг амал қилиш хусусиятлари

Турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда молиянинг фарқланиши қўйидаги сабаблар билан белгиланади

Хар кандай ижтимоий тузумга жамиятнинг ўз синфи тузилмаси мос келади

Хар кандай ижтимоий-иқтисодий тузумда молия хукмон синфининг манбаатларини химоя килувчи давлатнинг максаллари ва вазифаларига бўйсунади

Ишлаб чиқаришнинг янги усули хўжалик муносабатларининг янги тизимини вужудга келтиради

Агар давлат бошқарув органи сифатида таркиб топган ишлаб чиқариш муносабатлари ва синфи тузумнинг вазифаларига хизмат килса, шу вазифаларга молия ҳам хизмат килади

- XX аср таарибаси огохлантиради (ўқигиди, таълим берали, тарбиялайди):
 - аниқ синифларга бўлинган давлат маккуд бўлмайди;
 - турли ижтимоий тузилмага эга бўлган давлатлар бир тарк-хий даврда бўлши музик;
 - бир ижтимоий-тарихий тузумдан изъенчисига ўтиш ёслар давомида содир бўлши музик;
 - фахзид ижтимоий тузилма ва технологияларининг эмас, бапти молиянинг ҳам экспорт ҳизниниш эхимони маккуд.

**НАТУРАЛ МУНОСАБАТЛАР
УСТУНЛИК ҚИЛГАН ПАЙЛАРДА
ҲАТТО НИСБАТАН РИВОЖЛАНГАН
МАМЛАКАТЛАРДА ҲАМ ПУЛ
ЎЗИНИНГ БАРЧА ФУНКЦИЯЛАРИНИ
БАЖАРА ОЛМАГАН**

**ШУНИСИ МУҲИМКИ, ЖАМИЯТНИНГ
ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИГА
ЎТИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА
МОЛИЯ УМУМИЙЛИК ХУСУСИЯТИГА
ЭГА БўЛАДИ.**

**ҲАР БИР МАМЛАКАТДА МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН
ХУКУМАТНИНГ ЎРНИ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ
ФЕОДАЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ОСТИДА
БЕЛГИЛАНГАН.**

**СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ СОТИБ ОЛИШ ТИЗИМИ
СОТИБ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ҚЎЛИДА КАТТА
МИҚДОРДАГИ ПУЛ РЕСУРСЛАРИНИНГ
ТҮПЛАНИШГА ИМКОН БЕРДИ.**

2. Молия- тарихий категория сифатида

**МОЛИЯНИНГ ТАРИХИЙ ХУСУСИЯТГА ЭГА
ЭКАНЛИГИ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТ ЎЗ
ФУНКЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ЗАРУР
БЎЛГАН ФОНДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТИЗИМИНИ
ЯРАТАДИ**

Бунда фондларни шакл-лантириш ва улардан
фойдаланишининг шакллари ва методлари бир-бираидан
кескин фарқ қилиши мумкин. Бироқ фондларни
шакллантиришининг маанбалари чекланган ва ҳеч бир
давлат ўз эхти-ёjlарини қондириш учун
даромадларнинг янги маанбаларини ихти-ро қилиш
мумкин эмас

**КАПИТАЛЛАР ҲАРАКАТИДАГИ МИЛЛИЙ ЧЕГАРАЛАРГА БАРХАМ
БЕРИЛИШИ БИЛАН БАНКЛАР, БИРЖАЛАР ВА МУСТАМАЛАКАЧИЛИК
УРУШЛАРИ БҮНДАЙ ВАЗИЯТНИНГ ИНСТРУМЕНТЛАРИ БҮЛЛИБ ҚОЛДИ.**

**ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИГА АСОСЛАНГАН
ТИЗИМ СИФАГИДА КАПИТАЛИЗМНИНГ ГАРАККИЙ ЭТИШИ
БИЛАН ХАЛҚАРО МЕХНАГ ТАҚСИМОТЫ ЖАРАЁНИНИНГ
КУЧАЙИШИ ВА ШУ АСОСДА КАПИТАЛНИНГ РИВОЖЛАНГАН
МАМЛАКАТЛАРДА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШУВИ КУЗАГИЛАДИ.**

* 3. Молия ҳакидағи фаннинг тараккиёти

Молия бүйіча ишларнинг биринчи
муаллифлари қаторига Ф.Петрарка,
Д.Караф, Бернардо, Ф.Гвиччардини,
Ж.Ботеро, Н.Макиавели ва бошқа
италияликларни киритиш мүмкін.

Мумтоз мактаб вакылларининг молия тұғрисидеги тәълимнелерини күйндеги түрттә
асосий йұналишта көлпіриш мүмкін

- давлат керак, чунки у “табиий тартиб”ни хасалдан ва тажовузлардан химоялайды;
- давлатны тутиб түрнеп арзон бўлмоғи лозим, чунки давлатнинг бошқарув харажатлари ноишлаб чиқариш характеристига эга
- давлат “табиий тартиб”ни, яъни мулкчилик ва ракобат ҳукукини буза олмайди, чекловчи божхона божлари ва монополизларни ўрнатиш йўли билан ҳам мамлакатнинг хўжалик хаётига ара-лашмаслиги керак
- давлат соликка тортишнинг күйндеги асосий принципларига қатъий риоя
этмоғи лозим:
 - ўз даромадларига мувоғик равищда барча солик тўлаши керак (бу коида рухонийтар ва асизодаларнинг солик иммунитетига карши йўналтирилган);
 - соликни олдиндан аниқ белгилаш зарур;
 - соликни солик тўловчи учун кулай бўлган вактда ундириш лозим;
 - соликларнинг ундиришиши арzon бўлиши керак.

Шўролар даврида молия фанининг тараккий этишида
В.Дъяченко, А.Александров, А.Бирман,
Э.Вознесенский, В.Чантладзе, Б.Бодырев,
В.Родионова, П.Никольскийлар ўзига хос тарзда
ёндашгандар. Уларнинг асарлари ҳозирги кунда ўз
талабига эга бўлмаса-да, бизнинг фикримизча,
кейинги йиллар тадқиқотчилари учун улар қизикарли
предмет бўлиши, шубҳасиз.

Молия генезисида (тараккиётида) ва унинг назарий
масалаларини тадқиқ этишда Ўзбекистонлик молиячи
олимларнинг залвори, баъзи бир объектив ва
субъектив сабабларга кўра, юкори бўлмаса-да, шундай
бўлишига қарамасдан бу борада проф. Х.Собиров, доц.
Х.Муратов, доц. Х.Мухамедназаров, доц. К.Яхъёев,
проф. О.Олимжонов, проф. Т.Маликов, проф.
Н.Ҳайдаров, проф. О.Иминов, проф. А.Жўраев, проф.
М.Альмардонов ва бошқаларнинг қарашлари ҳам ўз
ўрнига эга.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЕЛИГИ ХУЗУРИДАГИОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРАШ
ВАУЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИКТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИ
ҚАЙТА ТАЙЁРАШ ВА УЛАННИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

“ЗАМОНАВИЙ МОЛИЯ ТИЗИМИ” МОДУЛИ БЎЙИЧА
ТАҚДИМОТ

3-мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилабеттан ислоҳотлар
шароитида молия тизимининг шаклланиши ва уни ислоҳ килишининг
устувор йўналишлари.

Маърузачи: и.ф.н, доц. Х.А.Курбонов

Тошкент 2015

РЕЖА

1.Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ тизимининг шаклланиши ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

2.Ўзбекистон Республикаси пул-кредит тизимидағи ислоҳотлар ва унинг устувор йўналишлари.

1.Ўзбекистон Республикасида бюджет-солиқ тизимининг шаклланиши ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

I босқич - 1991-2000 йиллар

Мустақил бюджет тизимини шакллантириш - “ўтиш даври”;

- * бюджет даромадлари ва ҳаражатларини қайта кўриб чиқиш ва таснифлаш;
- * бюджет дефицитни камайтириш;
- * кучли ижтимоий сиёсат - Давлат бюджетининг муҳим ўйналиши сифатида;
- * бюджетларо муносабатларни шакллантириш;
- * бюджет ташкилотларини маблаг билан таъминлаш механизмини тақомиллаштириш;
- * бюджет таснифларини ҳалқаро стандартларга мақбуллаштириш ўз ичига олди.
- * Миллий солиқ тизими ва уни ҳуқуқий асосларини шакллантириш;
- * Солиқ тизимини соддалаштириш ва уни иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатланитириш тизхимини шакллантириш;

2-босқич. 2001- ҳозиргача
**Иқтисодиётни эркинлаштириш шарт шароитларига мувофиқ давлат
 молиясини истро Қилиш ва унинг Ҳуқуқий асосларини яратиш**

- * "Бюджет тизими түйгрисида"ги Қонунни амалга киритилиши;
- * Бюджет таснифи ва бюджетдан молиялаштириш тизимини соддалаштириши;
- * Давлат бюджети харажатларини манзилли ва мақсадли йұналишини таъминлаш;
- * Бюджет харажатларини таркibi истро Қилиш;
- * Ҳудудларни дотациядан чиқариш ва маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини барқарорлаштириши;
- * Давлат молиясина бошқарышни истро Қилиш;
- * Давлат бюджетини икросини Газна тизими жорий Қилиш ва үни ривожлантириши;
- * Бюджет муассасаларини молиялаштириши истро Қилиш;
- * Жойлардаги иктимои-иктисадий испохжотларда маҳаллий үз-үзини бошқарыш органларининг масульияттини ошириш билан үларнинг молиявий имкониятларини яшиши;
- * Солиқ юқини камайтириши;
- * Солиқ мәтмурчилегини тақомиллаштириши;
- * Солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириши;
- * Солиқ тизимини соддалаштириши.

**Замонавий шароитларда бюджет-солиқ
 тизимидаги истроотлар**


- бюджет дефицитини сақаралы бошқарыш
- Газнагитик тизимини босқич ривожлантириши;
- бюджет қонунчилегини мустаҳкамлаш;
- ўрта мудатты фисал сиёсат амалиётини жорий қилиши;
- нағижага ійнелтирилген бюджет моделини жорий этиши;
- дотацион режимдеги бюджетларни тұгатыш ва маҳаллий бюджетлар барқарорлығини таъминлаш;

Мақсадлы фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

| Кұрсақтайшар | 2010 Ішт | | 2011 Ішт | | 2012 Ішт | | 2013 Ішт | | 2014 Ішт | | 2015 Ішт | |
|---|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|
| | Мемд сұм | % |
| Давлат бюджети харажатлары, мемлекеттік сұм | 13550 | 100 | 16802 | 100 | 21190 | 100 | 26312 | 100 | 31582 | 100 | 37987,7 | 100 |
| Иктисади сектор да ақолмен нақтыланған ғұлап-хумасаш харажатлары | 7864 | 58,1 | 9723 | 58,2 | 12338 | 58,3 | 15573 | 59,2 | 18873 | 59,7 | 22457,0 | 59,1 |
| Ихтисади харажаттары Маржинальниң инвестицияларының мөндеалаштырылуы | 1 561 | 11,5 | 1 938 | 11,5 | 2 338 | 11 | 2 791 | 10,6 | 3 385 | 10,7 | 4 119,7 | 10,1 |
| Давлат хохуматы да башкарулған органдары, суд органдары харажатлары | 940 | 6,1 | 1 037 | 6,1 | 1 174 | 5,5 | 1 300 | 4,9 | 1 500 | 4,7 | 1 800 | 4,7 |
| Бошқа харажаттар | 486 | 3,5 | 627 | 3,7 | 844 | 3,9 | 825 | 3,1 | 1 000 | 3,1 | 1 199,9 | 3,1 |
| | 2 798 | 20,6 | 3 477 | 20,6 | 4 495 | 21,2 | 5 813 | 22,0 | 6 903 | 21,8 | 8 391,1 | 22,0 |


| Крупнейшие сохи за ахолини ижтимоний кўллаб-кувватлаш харажатлар таркиби (прогноз) | 2010 йил | | 2011 йил | | 2012 йил | | 2013 йил | | 2014 йил | | 2015 йил | |
|--|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|-------------|------|
| | Млрд сўм | % |
| Ижтимоний сохи за ахолини ижтимоний кўллаб-кувватлаш харажатлари | 7864 | 100 | 9725 | 100 | 12338 | 100 | 15573 | 100 | 18873 | 100 | 22457,0 | 100 |
| Тавъник | 4496 | 57,1 | 5804 | 57,6 | 7165 | 58,1 | 8984 | 57,6 | 10765 | 57,0 | 12776,2 | 56,8 |
| Сотничилик саломат | 1720 | 21,8 | 2228 | 22,9 | 3027 | 24,3 | 3768 | 24,1 | 4495 | 23,8 | 5372,5 | 23,9 |
| Маданият спорт | 155 | 1,9 | 185 | 1,9 | 226 | 1,8 | 279 | 1,7 | 334 | 1,7 | 385,2 | 1,7 |
| Иле-фам | 82 | 1,1 | 109 | 1,1 | 139 | 1,1 | 173 | 1,1 | 199 | 1,0 | 245,3 | 1,0 |
| Ижтимоний тавзомот | 59 | 0,7 | 72 | 0,7 | 97 | 0,7 | 107 | 0,7 | 125 | 0,7 | 150,4 | 0,6 |
| Сотничилик ижтимоний таҳказалар | 1314 | 16,7 | 1583 | 14,2 | 1624 | 13,1 | 1839 | 11,8 | 2047 | 10,8 | 2279,8 | 10,1 |

2. Узбекистон Республикаси пул-кредит тизимидағи испоҳотлар ва унинг
устувор йўналишлари.




3-диаграмма.

Тижорат банкларининг жами активлари
қолдигининг динамикаси




4-диаграмма.

Тижорат банкларининг кредит кўйилмалари



5-диаграмма

Инвестацион кредиттар динамикаси



Монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалари

- * - иктисолдётни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятларни сафарбар этиш;
- * - саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим обьектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, инвестиция жарабёнини ошириш ва токомиллаштириш;
- * - мамлакатда ишлаб чиқарishни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашнинг, жаҳон бозорларига чиқишнинг асосий омили ҳисобланган тўлаконли рақобат мухитини шакллантириш;
- * - ишбўйлармонли мухитини («бизнес билан шуғуллан» тамойили бўйича) шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш ва янада рағбатлантириш;
- * - ижтимоий соҳанини ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш ва ахолининг иш билан бандлигини таъминлаш, ўй-жойлар куриш ва ахоли пунктларини ободонаштириш, татлим жарабёнини ва соглини сақлаш соҳасини ислоҳ қилишини давом эттириш ва токомиллаштириш;
- * - «Соглом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш 2014 йилги пул-кредит сиёсатининг ва банк тизими фаoliyatining энг муҳим устувор иуналишлари этиб белгилаб олини.

Иктисолдётни структуравий ислоҳ этиш ва модернизациялаш туфайли нафакат экспорт ҳажманини юқори суръатларда барқарор ўсишига, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан яхшиланишига эришилди:

- ✓ 2013 йилда ЯИМ таркибида нодавлат секторининг улуси 82,8% бўлиб, ултуржи ва чақана савдо, ҳамда кишлоп ҳўжалини маҳсулотларининг эса карийиб 100%ни нодавлат сектори томонидан ишлаб чиқарильмоқда;
- ✓ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуси 1991 йилда 1,5%ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда 55,8%га етди;
- ✓ хизмат кўрсатиши секторининг ЯИМдаги улуси 1991 йилда 16,3%дан 2013 йилда 53,0%га ўди;
- ✓ 1991-2013 йиллар мобайнича ЯИМда саноат улуси 2,2 баробар, яъни 11%дан 24,2%га ўди;
- ✓ 1991 йилда экспорт таркибининг карийиб 90%ни хом-ашё маҳсулотлари ташимли этган бўлса, ҳозирги кунда карийб 72%ни тайёр маҳсулотлар ташкил этишига эришилди.